БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (269)
23 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин.

Бугун Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Куни.

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Социализм буюк ғалабаларининг содиқ посбони

Бугун—23 февральда тинч ижодий меҳнат қилаётган мамлакатимиз меҳнаткашлари Ватанимиз чегараларининг хавфсизлигини ҳуш'ёрлик блан қўриқлаб турган Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 37 йиллигини зўр қувонч блан байрам қилмоқдалар.

Ишчи ва деҳқонларнинг дун'ёдаги биринчи социалистик давлатини ҳимоя қилиш мақсадида Коммунистик партия томонидан тузилган шавкатли Совет Қуролли Кучлари 37 йил ичида шонли жангговар йўлни босиб ўтдилар. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари жонажон Ватанимиз чегараларининг дахлсизлигини 37 йилдан буён мустаҳкам туриб қўриқлаб келмоқдалар.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунларда АҚШ, Англия ва Франция бошчилигидаги 14 империалистик давлатлар Россиядаги ички контрреволюцияга таянган ҳолда ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини ағдариб ташлашга уринган эдилар. Умумхалқ муҳаббатидан ва ғамхўрлигидан илҳомланган Армиямиз ва Ҳарбий-Денгиз Флотимиз интервенция ва контрреволюция кучларини тор-мор келтириб, уларни Ватанимиз тупроғидан улоқтириб ташлади. Совет мамлакати мудофаасига Коммунистик партиянинг энг машҳур арбоблари блан биргаликда улуғ Ленин раҳбарлик қилди.

Гражданлар уруши ва ҳарбий интервенциянинг ғалаба блан тугатилиши четдан бўладиган янги ҳужум хавфини йўқотмаган эди. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия халқимизни тинч қурилиш ишларига сафарбар қилиш блан бирга совет кишиларини доим ҳуш'ёр бўлиш ва социализлик Ватанимиз мудофаасига тайёр бўлиш руҳида тарбиялашга катта э'тибор бериб келди.

Коммунистик партиянинг И. В. Сталин бошчилигидаги Марказий Комитети улуғ Ленин васиятларини бажариб, мамлакатни индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлащнинг улуғвор программасини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Партия социалистик экономикамизнинг барқ уриб яшнашига таянган ҳолда қуролли кучларимиз жангговар қудратини ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келди. Қуролли Кучларимиз ҳозирги замон қурол-яроғлари ва ҳарбий техника блан та'минландилар, қўшинларнинг барча турлари учун юксак ма'навий-сиёсий фазилатларга эга бўлган командир кадрлар тарбиялаб етиштирилди.

Совет Армияси ва Флотининг кучи шундаки, улар ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги мустаҳкам иттифоқнинг, бутун совет жамияти ма'навий-сиёсий бирлигининг тимсолидирлар. Совет Армияси—СССР халқлари қардошлиги ва дўстлиги армияси бўлиб, интернационализм руҳида, социалистик Ватанга садоқат руҳида, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялангандир.

Совет давлати ва унинг Қуролли Кучлари қудратининг тинмай мустаҳкамланиб бораётганлиги империалистик давлатлардаги реакцион доираларни даҳшатга солди. Шунинг учун ҳам Америка империалистлари немис фашистларига Совет Иттифоқига ҳужум қилиш мақсадида ўз ҳарбий потенциалини тиклашга ёрдам бердилар.

1941 йил 22 июньда гитлерчилар Германияси томонидан мамлакатимизга қилинган хиёнаткорона ҳужум Совет давлати ва унинг Қуролли Кучлари учун жатта синов бўлди. Душман кучли, маккор ва шафқатсиз эди. Лекин қаҳрамон халқимизнинг содиқ фарзандлари—совет жангчилари мислсиз жасорат кўрсатиб, Коммунистик партия раҳбарлиги остида герман фашизми ва япон империализми устидан порлоқ ғалаба қозондилар. Бу оламшумул тарихий ғалаба-Совет халқининг ғалабаси, социалистик жамият ва давлат тузумининг ғалабаси бўлди.

Гитлерчилар Германияси ва милитаристик Японияннинг тор-мор келтирилиши натижасида Европа ва Осиёдаги бирнеча мамлакатларда янги, халқ-демократик тузуми ташкил топди. Ҳозир Европадаги 600 миллион аҳолининг ярмига яқинч социализм ва демократиянинг ёруғ йўлига кириб олди. Осиёдаги 1 миллиард 400 миллион аҳолининг ярмичаси ҳам капитализм лагеридан чиқди. Империалистик асорат ва феодал зулми занжирларини парчалаб ташлаган ва ҳозир социалистик тараққиёт йўлидан борэётган хитой халқи улуғвор ғалабаларни қўлга киритмоқда.

Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари ўзининг шонли ўттиз етти йиллигини совет халқи коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги ажойиб муваффақиятларга эришаётган бир вазиятда кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарори, СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган 1955 йилги Давлат бюджети Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалигини ривожлантириш ва меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларидан далолат беради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг саноатни ва биринчи галда бутун халқ хўжалигининг, Ватанимиз мудофаа қобилиятининг мустаҳкам негизи, совет халқи фаровонлигини тинмай оширишнинг манбаи бўлган оғир индустрияни ҳартомонлама ривожлантиришни кўзда тутган бош йўлини мамлакатимиз меҳнаткашлари яқиллик блан қўллаб-қувватламоқдалар.

Коммунистик партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг барча тармоқларини кескин сур'атда юксалтириш юзасидан мукаммал программа ишлаб чиқилди. Совет халқи бу улуғвор программани амалга ошириш соҳасида ҳозирок катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг тинмай кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли совет фани ва маданияти гуркираб ўсмоқда.

Халқимизнинг тинч ижодий меҳнат қилишини та'минлаш Коммунистик партия ва Совет ҳукумати учун муқаддас ишдир. Шу сабабли ҳам партия ва ҳукумат янги урушнинг олдини олиш учун, халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун, халқаро муносабатларни яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Совет ҳукуматининг ташқи сиёсати халқимизнинг туб манфаатларини ифода этиши блан бирга бошқа мамлакатлардаги халқларнинг ҳам интилишлари ва орзу-умидларига мосдир.

Тинчлик ва халқлар дўстлиги байроғи—совет кишилари учун муқаддас байроқдир. Совет кишилари бу байроқни бундан кейин ҳам юқори кўтариб борадилар.

Совет давлати тинчликсевар давлатдир. Лекин буни унинг заифлик аломати деб ҳисобламоқчи бўлган ва узоқни кўрмайдиган сиёсий арбоблар қаттиқ янглишадилар. Улар тарихнинг яқин ўтмишдаги сабоқларини, бизнинг тупроғимизга бостириб кирган гитлерчи босқинчиларнинг ва бошқа тажаввузкорларнинг тақдири нима бўлганини, бизнинг халқимиз ўз озодлиги ва мустақиллигига тажаввуз қилган кишиларга доимо қақшатғич зарба бериб келганлигини эсларидан чиқармасликлари керак.

«Ҳозирги вақтда,—деди Н. А. Булганин СССР Олий Советининг II Сессиясида, — биз яхши қуролланган ва жангговар қобилияти зўр бўлган биринчи даражали армияга, ҳарбий-ҳаво кучларига ва ҳарбий-денгиз флотига эгамизки, булар Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг Ватанимизнинг мустаҳкам хавфсизлигини та'минлаш тўғрисида берадиган ҳарқандай топшириқларини бажаришга шайланиб турибдилар».

Социалистик Ватанни қўриқлашдек олижаноб ғоядан илҳомланган, ўз муқаддас ҳарбий бурчига содиқ бўлган совет жангчилари ўз ҳарбий маҳораларини тинмай оширмоқдалар, коммунизм қураётган халқимизнинг тинч ижодий меҳнатини сергаклик блан қўриқлаб турибдилар.

Яшасин социализм ғалабаларининг содиқ посбони — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти!

ССР Иттифоқи Мудофаа министрининг

БУЙРУҒИ

1955 йил 23 февраль № 20 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 37 йиллигини нишонламоқдалар.

Бу шонли йиллик бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун, халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтиришнинг, Совет давлати қудратини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини оширишнинг асоси бўлган оғир индустрияни янада зўр бериб ривожлантириш учун муваффақиятли суратда кураш олиб борилаётган бир вазиятда ўтказилмоқда. Совет халқи социалистик лагерьдаги барча халқлар блан биргаликда бутун дун'ёда тинчлик иши учун қат'ият ва изчиллик блан кураш олиб бормоқда.

Айни замонда АҚШ монополиячилари бошчилигидаги империалистик мамлакатларнинг агрессив кучлари Совет Иттифоқига, халқ демократияси мамлакатларига ва Хитой Халқ Республикасига қарши янги урушга очиқдан-очиқ тайёргарлик кўриб, сиёсий группировкаларни, ҳарбий блокларни вужудга келтирмоқдалар, герман милитаризмини тиклашга бутун кучлари блан уринмоқдалар.

Бундай шароитда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ватанимизнинг мустаҳкам хавфсизлигини та'минлаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет Ҳукумати теварагига маҳкам жипслашган Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари севикли Ватанимизни ҳимоя қилиш соҳасида ўз ҳарбий бурчларини шараф блан бажариш учун доим тайёр бўлиб туришлари керак.

Солдат ва матросларни, сержант ва старшиналарни, офицер, генерал ва адмиралларни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Куни блан қутлайман.

Қуролли Кучларнинг бутун шахсий составига жангговар маҳоратни такомиллаштиришда янги муваффақиятларга эришишни ва ҳарқандай агрессорларга қақшатғич зарба беришга доим тайёр туришларини тилайман.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 37 йиллигини нишонлаш учун **буюраман:**

Бугун, 23 февральда, Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарлар — Ленинградда, Сталинградда, Севастопольда ва Одессада тўплардан бир-йўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин қудратли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Яшасин жонажон Совет Ҳукуматимиз!

Яшасин ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

ССР Иттифоқи Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали Г. К. ЖУКОВ.

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИНИНГ 37 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

22 февральда Туркистон Ҳарбий Округи театри биносида Тошкент гарнизони қисмларининг партия, совет, жамоат ташкилотлари вакиллари блан биргаликда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 37 йиллигига бағишланган умумшаҳар тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Туркистон Ҳарбий Округининг ҳарбий совет а'зоси генерал-полковник ўртоқ П. З. Сусайков Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 37 йиллиги ҳақида доклад қилди.

Докладчи Коммунистик партия томонидан ташкил этилган ва тарбиялаб чиниқтирилган Армиямизнинг босиб ўтган шонли йўли, совет жангчиларининг жангговар малакаларини тинмай такомиллаштираётганликлари, тинчликни ва социалистик Ватанимизни ҳуш'ёрлик блан ҳимоя қилаётганликлари ҳақида муфассал гапирди.

Тантанали йиғилишдан кейин Туркистон Ҳарбий Округи ашула ва рақс ансамбли ижросида катта концерт берилди.

Белорус сан'атининг байрами

СССР БОЛЬШОЙ ТЕАТРИДА СЎНГГИ КОНЦЕРТ

Белорус сан'ати ва адабиётининг Москвадаги декадаси СССР халқларининг дўстлиги ва бирлигини, кўпмиллатли совет маданиятининг равнақини кўрсатучи ёркин намойиш бўлди. Белоруссиядаги энг катта театрларнинг спектаклари Москва саҳналарида ўн кун мобайнида қўйилди. Бу театрлар пойтахт меҳнаткашларини Белоруссия ССР драма, опера ва балет сан'ати ютуқлари блан таништирдилар. Клубларда ва Маданият саройларида қардош халқ вакиллари блан самимий ва дўстона учрашувлар бўлди. Белорус сан'ати ва адабиёти спектаклларида, концертларида ва кечаларида юз мингта яқин москвалилар бўлдилар.

21 февральда ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида декаданинг сўнгги концерти бўлди. Залда — Москва ҳорхоналарининг новаторлари ва маданият арбоблари, партия ва совет ходимлари, Совет Армияси ва Флотининг офицерлари, Москвадаги элчихона ва миссияларнинг бошлиқлари бор эди. Парда аста-секин очилади. Саҳна тўрида — ишчилар синфи блан деҳқонлар бузилмас иттифоқининг, Совет давлати куч-қудрати асосининг символи бўлган каттакон ўроқ ва болга сурати қўйилган. Саҳна атрофи чиройли белорус миллий орнаменти блан ўраб олинган. Бу орнамент жатта терма хор қатнашчиларининг кийимларида ҳам такрорланади.

Концерт Янка Купалининг «Дзень добры, Масква» ше'ри блан бошланади. Уни СССР халқ артисти Б. Платонов ижро этади.

Композитор В. Оловниковнинг «Партия ҳақида қўшиқ» ашуласи терма хор ижросида жаранглаб эшитилади. Шундан кейин хор А. Головастиковнинг «Любы зоры залацстия» ашуласини, севикли Ватан ҳақидаги, яшнаган Белоруссия ва унинг ажойиб халқи ҳақидаги самимий ашулани катта завқ ва баднй маҳорат блан ижро этади. Е. Тикоцкийнинг «Пелесьели қиз» операси учун ёзилган увертюраси ҳам оркестр томонидан гоят завқ блан ижро этилади.

Белорус халқи талантларга бой! Болаларнинг иштироқ этиши концертга байрам тусини берди. Улар ҳархил жанрларда — ашула, рақс ва музика ансамблида ҳам қатнашдилар.

Белоруссияда хизмат кўрсатган артист И. Жинович раҳбарлигидаги халқ чолғу асбоблари оркестри ижросида бажарилган куйлар ўзининг ранг-баранглиги, ёқимлилиги блан ажралиб турди. Қадимги халқ чолғу асбоби бўлган цимбала музикачиларнинг моҳир қўлида «Перепелечка» деган халқ ашуласининг жозибали оҳангларини ва Н. Чуркиннинг «Симфониетта»си финалини эшитдирди. «Тройка» деган ёқимли рус халқ ашуласи ижро этилганда ҳам ана шу ажойиб оркестр жўр қилди. Якка ашулани баднй ҳаваскорлар коллективининг қатнашчиси, жарангловчи лирик тенор этаси А. Пронин ижро этди.

Гомель области, Туров районидаги «Новая жизнь» колхозининг хори (хор раҳбари Н. Беспалов) саҳнага чиқади. Хор «Сабралися хлебаробы» ашуласини музикага ҳамоҳанг қилиб, зўр иштиёқ блан ижро этади. Баднй ҳаваскорларнинг иккинчи бир машҳур ансамбли — Гомельдаги В. И. Ленин номли Маданият саройининг раке коллективи ҳам (баднй раҳбари — БССР да хизмат кўрсатган сан'ат арбоби А. Рибальченко) концертда қатнашди.

БССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Г. Цитович раҳбарлигидаги Давлат белорус халқ хори вокаль — хореографик сюитада қишлоқ ёшларининг бахтиёр ҳаётини, уларнинг меҳнатини ва дам олишини ажойиб ўткирлик блан ифодалаб берди.

Белоруссия ССР Давлат хори (раҳбари БССР халқ артисти Г. Ширма) халқ сан'атини моҳирлик блан оммалаштируучи, классик хор музикасини усталик блан ижро этучи талантли коллективдир. Хор Танеевнинг ва Гендельнинг асарларини ҳам, белорус композитори В. Оловниковнинг «Разлима мая дарагая» ашуласини ҳам ажойиб маҳорат блан ва та'сирли қилиб ижро этди.

Концертнинг анча қисми Ленин орденли Белорус давлат опера ва балет Большой театрининг талантли солистларининг иштирокида ўтди.

Совет ёшларининг кучини, эпчиллигини, юксак спорт маҳоратини кўрсатучи спорт рақси (Белоруссия ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг рақс группаси, баднй раҳбари — БССРда хизмат кўрсатган артист В. Сербин) ажойиб тезлик ва ўткирлик блан ижро этилди. Белорус полькаси зўр муваффақият қозонди. БССР ҳунар мактаблари ўқучиларининг рақс коллективи бу рақсни ижро этганда ўз маҳоратини ёркин намойиш қилиб кўрсатди.

Концертнинг финали тамошабинларни қойил қолдирди. Яна ранг-баранг чиройли пардалар очилиб, гуллаб турган жатта зиғирпоя даласи пайдо бўлади. Шу пайтда ҳаворанг гуллар ҳаракатга келиб, оппоқ блузалар кийган ва қизил галстуклар таққан хушчақчақ болаларга йўл очиб берадилар. Социалистик Ватанга чексиз муҳаббат ҳислари блан, Советлар мамлакатидаги барча халқларни ягона оилага бирлаштируучи улуғ дўстлик ва қардошлик ҳислари блан илҳомланган «Биз белоруссларр» ашуласининг (автори М. Соколовский) терма хор томонидан ижро этилиши бутун концертнинг энг тантанали қисми бўлди.

Концертда Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов, М. А. Суслов, Н. Н. Шаталин ўртоқлар, Белоруссия КП Марказий Комитетининг секретари Н. С. Патоличев, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Козлов, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси К. Т. Мазуров ҳозир бўлдилар.

Декаданинг сўнгги концерти зўр муваффақият блан ўтди. Концерт белорус сан'атининг чинакам байрами бўлди. (ТАСС).

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг пленуми

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг пленуми бўлди.

Пленум ўртоқ М. А. Абдураззақовни Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари қилиб, ўртоқ П. М. Сазоновни Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг иккинчи секретари қилиб, ўртоқ И. Р. Арнаутовни Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг секретари қилиб сайлади.

М. А. Абдураззақов, А. Ғ. Абдунабиев, И. Р. Арнаутов, А. П. Морозов, Қ. Р. Рузметов, П. М. Сазонов, П. П. Федотов, А. И. Шкуратов, Х. И. Юсупова ўртоқлар Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюросининг а'золари қилиб сайланди.

Пленум Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бўлимларининг мудирларини тасдиқлади. Ўртоқ К. А. Азизов, саноат—транспорт бўлимининг мудири қилиб, ўртоқ В. П. Белий ташкилот бўлимининг мудири қилиб, ўртоқ М. К. Файзуллина пропаганда ва агитация бўлимининг мудири қилиб, ўртоқ А. С. Шукуров ма'мурий ва савдо—молия органлари бўлими мудири қилиб, ўртоқ К. Д. Жўраева хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди.

Қозоғистонда 26 янги МТС

ОЛМАОТА, 21 февраль. (ТАСС). Қозоғистонда 26 машина-трактор станцияси ташкил этилмоқда. Бу машина-трактор станциялари асосан, қўриқ ва бўз ерлари ўзлаштирилаётган районлардадир. Акмолинск областида етти МТС, Павлодар областида саккиз, Қустанай областида тўрт, Шимолий Қозоғистон областида уч Ғарбий Қозоғистон областида икки МТС ва Актюбинск ҳамда Бўкчетов областларида биттадан МТС ташкил этилади.

Янги МТСларнинг марказий усадьбалари учун участкалар ажратилабошланди. Ер тузучилар бу ишни ўнинчи мартгача тамомлашлари керак.

ВЦСПС II ПЛЕНУМИ

18 — 19 февральда Москвада ВЦСПСнинг II пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС МК январь Пленумининг «Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида касаба союзларининг вазифалари тўғрисидги масалани муҳокама қилди.

Бу ҳақда ВЦСҚ раисининг ўринбосари ўртоқ Л. Н. Соловьев доклад қилди.

Касаба союзлари КПСС МК сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун курашиб, МТС ва совхоз ходимларининг иҳодий ташаббусини муттасил юқори ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани кучайтириб юборишга, тракторлардан, комбайнлардан ва бошқа қишлоқ хўжалиқ машиналаридан тўла фойдаланиш учун, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашга қаратдилар. Саноат корхоналари теплицалар, парниклар қуришда, кўп меҳнат талаб қиладиган иш процесларини механизациялашда МТС, колхоз ва совхозларга ёрдам бермоқдалар. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги МТС ва совхозларга кутубхоналар, газеталар, маданий буюмлар юборилди.

КПСС МК январь Пленуми томонидан қўйилган вазифалар, деб уқтириб ўтди докладчи, касаба союз ташкилотларидан чорвачиликни юксалтиришнинг ҳал қилувчи шарти сифатида дон етиштиришни кенгайтириш учун, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун МТС, совхозлар, фермалар ва бригадалар коллективларининг социалистик мусобақасини янада ривожлантиришни талаб қилади. Ҳолбуки кўпгина МТС ва совхозлардаги касаба союз ташкилотларининг иш практикасида ҳали кўпгина формализм ҳоллари бор, илгор тракторчилар, комбайнчилар, чорвадорлар ва далачиларнинг тажрибаси суст ёйилмоқда, агрономия ва зоотехника билимларини пропаганда қилишга кам э'тибор берилмоқда. МТС ва совхозларнинг ишчилар комитетлари партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни амалий равишда ҳал қилишдан кўпинча четда турадилар. Докладда қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзининг марказий, республика, ўлка ва область комитетлари, шунингдек озиқ-овқат товарлари саноати ишчилари касаба союзининг Марказий комитети қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида мусобақани ташкил қилишдаги камчиликлари учун танқид қилинди.

Сўнгра докладчи қайд қилиб ўтдики, касаба союзлари машинасозлик корхоналари ишчиларининг мусобақасига раҳбарликни яхшилашлари, уларнинг қишлоқ хўжалиқ заказларини белгиланган муддатларда бажаришларига эришишлари керак.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш — касаба союзларининг қишлоқдаги иш савияснни жиддий равишда юксалтиришни талаб қилади. Бироқ, кейинги вақтгача ВЦСПС ва касаба союзлари чорвачиликда ишлаётган ишчилар ва мутахассислар ўртасида ишлабчиқариш — оммавий ишлар блан кам шуғулланиб келдилар.

Докладда саноат корхоналари қошидаги ёрдамчи хўжаликларнинг ишини ташкил қилишни яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда муҳим манба' бўлган ишчи ва хизматчилар полизчилигини ҳамда чорвачилигини янада ривожлантириш соҳасида касаба союзларининг вазифаларига анча катта ўрин берилди.

Ўртоқ Соловьев қишлоқ хўжалик ходимлари ўртасида маданий-оқартув ишларини яхшилаш зарурлиги ҳақида гапириб ўтдики, ижтимоий-сиёсий, агрономия, зоотехника темаларида лекциялар, докладлар ва суҳбатлар ўтказишга, баднй ҳаваскорликни ривожлантиришга алоҳида э'тибор бериш зарур. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш планларининг сўзсиз бажарилишига, турар биноларни ўз вақтида ремонт қилишга эришиш керак.

Доклад юзасидан 28 киши сўзга чиқди. Нотиқлар МТС ва совхоз ходимлари КПСС МК январь Пленумининг қарорларини қизғин ма'қуллаётганликлари ва дон хўжалигини янада юксалтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида партия белгилаб берган программани амалга оширишга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар. Улар қишлоқда касаба союз ишини ташкил қилиш ҳақидаги тажрибаларини сўзлаб бердилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари ҳамда хизматчиларига хизмат кўрсатишдаги камчиликларни танқид қилдилар, қимматли таклифларни киритдилар.

Новосибирск область касаба союзлари советининг раиси ўртоқ Шепелев Сибирь шаҳарларининг меҳнаткашлари қишлоққа қандай ёрдам кўрсатаётганликлари тўғрисида сўзлаб берди. Партия МК сентябрь Пленумидан кейин областьнинг шаҳарларидан қишлоққа кўпгина инженерлар, техниклар, агрономлар ва бошқа мутахассислар жўнаб кетган.

«Холмогорка» (Москва области) совхозининг бригадири, ишчилар комитетининг а'зоси ўртоқ Глинкина ишлабчиқариш ва касаба союз ишлари соҳасидаги тажрибасини сўзлаб берди. Ҳозирги вақтда совхознинг касаба союз ташкилотлари чорвадорлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини кучайтириб юборганлар, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш учун коллективда мусобақани ташкил қилмоқдалар.

Олтой ўлка касаба союзлари Советининг раиси ўртоқ Мартинов ўлкадаги колхозлар, МТС ва совхозларнинг ўтган йили дон хўжалигини юксалтиришга қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида гапириб, бу муваффақиятларга Олтой ғаллакорлари ўртасида социалистик мусобақани кенг кучайтириб юбориш асосида ва саноат корхоналарининг коллективлари томонидан қишлоқ меҳнаткашларига гоят катта ёрдам берилаётганлиги туфайли эришилганлигини уқтириб ўтди. Ўртоқ Мартинов ВЦСПС маданий-оммавий ишлар бўлимини янги ерларни ўзлаштириш учун ўлжага келган ёшларнинг эҳтиёжларига етарли э'тибор бермаётганлиги учун, шунингдек ВЦСПС ишлабчиқариш-оммавий ишлар бўлимини касаба союз ташкилотларининг иш тажрибасини етарли умумлаштирмаётгани ва ёймаётганлиги учун танқид қилди.

Ставрополь ўлкасида илғор ҳисобланган Константиново МТСнинг ишчилар комитети раиси ўртоқ Чепрякова станция ходимлари ўртасида мусобақани ташкил қилиш тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. У ўз нутқида айрим қишлоқ хўжалик машиналарининг конструкциясидаги камчиликларни кўрсатди ва комбайнлардан фойдаланишни яхшилашга қаратилган қимматли таклифларни киритди.

Музоксараларда Москва область касаба союзлари Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Васильев, машинасозлик ишчилари касаба союзи МК раиси ўртоқ Бабаянц, СССР Совхозлар министрининг ўринбосари ўртоқ Мартьянов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари Бош Бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Зеленко, Украина республика касаба союзлари Советининг раиси ўртоқ Москалец, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи МК раиси ўртоқ Егураздов, СССР Савдо министрининг ўринбосари ўртоқ Смирнов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилинди. Пленум касаба союзлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни Коммунистик партия раҳбарлигида муваффақиятли бажарадилар, деб ишонч билдирди. (ТАСС).

Ватанимизнинг мустаҳкам таянчи

М. ПОПОВ,

Армия генерали

23 февральда мамлакатимиз халқлари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ўттиз еттинчи йиллигини нишонлайдилар.

Совет Қуролли Кучлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси қўлга киритган ғалабаларни ҳимоя қилиш учун Коммунистик партия ва унинг йўлбошчиси В. И. Ленин раҳбарлиги остида тузилган эди. Совет Қуролли Кучлари ташкил этилганидан бери шонли жанговар йўлни босиб ўтди. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг бутун тарихи социалистик Ватанга садоқат билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

* * *

Совет Армияси — янги типдаги армия, озод ишчи ва деҳқонлар армияси, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги қардошлик армияси, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилучи армиядир. Совет Армияси доимо пролетар интернационализми руҳида, бошқа мамлакатлар халқларини ҳурмат қилиш руҳида, бутун дунёда тинчликни сақлаш учун курош руҳида тарбияланди ва ҳозир ҳам шундай руҳда тарбияланмоқда.

Совет Армиясининг социалистик тузум туфайли вужудга келган бу хусусиятлари ва афзалликлари унинг куч-қудрати ва оламшумул тарихий ғалабаларининг манбаидир. Меҳнаткашларни бўғишдек шармандаларча рольни бажарётган, мустамлака зулмининг қуроли бўлиб хизмат қилаётган, бошқа халқларга нисбатан, бошқа давлатларга нисбатан душманлик руҳида тарбияланаётган империалистик армияларнинг биронтасида ҳам бундай афзалликларнинг бўлиши мумкин эмас.

Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари ҳеч вақт бирор бошқа мамлакатга қарши агрессив ҳаракатлар қилмаган ва олиб бормаганлиги ҳаммага маълум. Совет Армияси халқимиз душманлари социалистик Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигига қасд қиғаниларидагина ўз қуролини ишга солишга мажбур бўлган.

Совет Республикаси вужудга келган дастлабки кунларда герман империализмининг тиш-тирноғигача қуролланган ғалалари жаҳондаги биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини тор-мор келтириш мақсадида мамлакатимизга бостириб кирдилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати барча кучларни душманни тор-мор келтиришга сафарбар қилди. Армиямизнинг ёш, янгидина тузилган отрядлари Ватан олдидаги ўз бурчларини бажариб, 1918 йил 23 февральда Псков ва Нарва ёнида немис босқинчиларига қақшатгич зарба бердилар. Шу кун Қизил Армиянинг туғилган куни, совет халқининг ҳар йилги байрам куни бўлиб қолди.

1918 йилнинг биринчи ярмида америка, англия империалистлари ва бошқа империалистлар Россиядаги ички контрреволюциядан фойдаланиб, Советлар Республикасига қарши «салб юриши» деб аталучи юриш уюштирилар.

Совет давлати ўша йилларда оғир кунларни бошидан кечирди. Ёш республика фронтларинг оловли халқаси ичида қолган эди. Мамлакат территориясининг тўртдан уч қисмини душманлар ишғол қилган эдилар. Бизда дон, қурол-яроғ, қийимкечак етишмас эди.

Ёш, ҳали унча мустаҳкамланмаган, аммо ўз революцион руҳи билан кучли бўлган Қизил Армия уч йил мобайнида 14 империалистик давлат ва ички контрреволюциянинг қаттиқ сиқувига қарши қаҳрамонона жанг олиб борди. Коммунистик партия раҳбарлиги остида, барча меҳнаткашларнинг актив ва фидокорона қўллаб-қувватлаши туфайли Қизил Армия ва Ҳарбий Денгиз-Флоти четдан босқинчилари ва оқ гвардиячилар тўдаларини бутунлай тор-мор қилиб ташлади.

Улуғ Ленин Коммунистик партиясининг энг яхши арбоблари билан биргаликда Советлар мамлакати мудофаасига раҳбарлик қилди. Гражданлар уруши йилларидаёқ ўзининг янги типдаги машҳур қўмондон эканлигини кўрсатган И. В. Сталин Совет Қуролли Кучларини ташкил этишда, ҳал қилучи участкаларда ғалабани та'минлашда жуда катта роль ўйнади.

Коммунистик партия улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, И. В. Сталин бошчилигидаги Марказий Комитет раҳбарлиги остида мамлакатимизни қолоқ мамлакатдан қуратли индустриялашган ва колхозлашган социалистик давлатга айлантиришнинг улуғвор программасини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Мамлакатни социалистик индустриалаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш планининг муваффақиятли бажарилиши қисқа муддат ичида ҳарбий ишлабчиқаришни йўлга қўйиш, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз-Флотини ўша вақтга нисбатан биринчи даражали ҳарбий техника ва қуролларнинг барча турлари билан та'минлаш, уларнинг жанговар тайёргарлигини ҳозирги замон уруши талабларига мувофиқ тарзда анча ошириш имкониятини берди.

Коммунистик партия Қуролли Кучларни қудратли техника билан қуроллантириш билан бир вақтда, ҳарбий техникани мукаммал эгаллаган, қўшинларга раҳбарлик қилиш малакасига эга бўлган юқори ихтисосли ҳарбий кадрларни тинмай тарбиялаб берди. Партия армия ва флотдаги шахсий составнинг сиёсий ва ғоявий жиҳатдан чиниқишига, жангчиларимизни совет ватанпарварлиги руҳида, халққа фидокорона хизмат қилиш руҳида, социалистик Ватанимизнинг душманларига шафқатсиз бўлиш руҳида тарбиялашга жуда катта э'тибор берди ва ҳозир ҳам жуда катта э'тибор бермоқда.

Совет Қуролли Кучлари империалистларнинг ҳарқандай найрангларини хуш'ёрлик билан кузатиб бориш билан бирга ўз ҳарбий маҳорати ва жанговар тайёргарлигини тинмай ошириб бордилар.

Социалистик қурилиш йилларида империалистик давлатлар бизнинг Ватанимизга бирнеча марта игвогарлик мақсадида ҳуружлар уюштирдилар. Социализм мамлакатининг Қуролли Кучлари ҳар гал ҳам уруш игвогарларига қат'ий зарба бериб, совет халқи олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажардилар.

* * *

Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари учун қаттиқ синов бўлди. Бу энг шиддатли ва оғир уруш бўлиб, ўз масштаби, кескинлиги, техника ва қўшинлар миқдори жиҳатидан тарихда мисли кўрилмаган уруш бўлди. Гитлерчилар Германияси уруш э'лон қилмасдан хиёнаткорона тарзда СССР га ҳужум қилиб, техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан қуролланган 170 дивизияни мамлакатимизга қарши ташлади.

Фашистлар Германиясининг қуроллантиришда АҚШ империалистлари актив роль ўйнадилар. Улар герман фашизмини Совет Иттифоқига қарши, Европадаги демократик ҳаракатга қарши курашда жаҳон реакциясининг асосий зарбдор кучи деб билиб, уни боқиб семиртирдилар.

АҚШ ва Англия ҳукмрон доиралари, СССР аллатта мағлубиятга учрайди деб ишонган эдилар. Аммо империалистларнинг бу мўлжаллари пучга чиқди.

Москва остоналарида немис фашистлари дастлабки катта мағлубиятга учрадилар. Бу операция гитлерчилар армиясининг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонанинг кулини кўкка совурди.

Совет Армияси Сталинград остоналарида олиб борилган тарихий жангларда порлоқ ғалаба қозонди. Бу ерда фашистларнинг 330 минг кишидан иборат ажжита сараланган армияси қуршаб олинди ва тор-мор келтирилди. Сталинград ёнида қозонилган ғалаба урушнинг кейинги боришидаги туб ўзгаришнинг бошланиши бўлди.

Душман Сталинградда тор-мор келтирилганидан кейин ўзини ўнгланолмади. 1943 йилда Курск ёқинида яна бир қудратли зарба берилди, бу зарба гитлерчилар Германиясини ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Совет Армияси жуда катта фронтда қудратли ҳужумни кенгайтирди ва душман томонидан оккупация қилинган совет территориясининг деярлик учдан икки қисмини озод қилди.

Совет қўшинлари 1944 йилда Олий Бошқўмондонлик планларини амалга ошириб, душманга 10 та қақшатгич зарба бердилар. Уруш гитлерчилар Германияси территориясига кўчиридги ва фашизмнинг асосий уяси — Берлинга яқинлашиб қолди.

Улуғ Ватан уруши немис-фашист армиясининг Берлин остоналарида тор-мор келтирилиши билан, Рейхстаг устига қизил байроқ ўрнатиш билан ва гитлерчилар Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши билан тугалланди. Тўрт ой ўтгач, совет қўшинлари милитаристик Япониянинг асосий зарбдор кучи — Квантун армиясини тор-мор келтирдилар ва япон империалистларини сўзсиз таслим бўлиш тўғрисидаги актга қўл қўйишга мажбур қилдилар.

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушида қозонган оламшумул-тарихий ғалабаси ижтимоий ва давлат тузумимизнинг қудратли кучини. Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигини, армия билан халқнинг бирлигини, совет ҳарбий сан'атининг буржуа армиялари ҳарбий сан'атидан устунлигини ёрқин намойиш қилди.

Немис ва япон фашистлари зулмининг тор-мор келтирилиши натижасида социализм ва демократия кучлари ўсди ва мустаҳкамланди, империализм позициялари заифланди. Европа ва Осиёдаги бирқанча мамлакатларда янги, халқ демократик тузуми қарор топди. Империалистик асорат ва феодал зулми занжирларини абадий улоқтириб ташлаган ва ҳозир социалистик ривожланиш йўлидан бораётган улуғ Хитой халқи тарихий ғалабага эришди. Ҳозир социализм ва демократиянинг 900 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштируучи қудратли лагери ташкил топди.

* * *

Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари душман устидан оламшумул-тарихий ғалаба қозониб, урушдан янада кучлироқ ва мустаҳкамроқ бўлиб чиқди. Халқимиз Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлиги остида уруш тўхтатиб қўйган тинч қурилиш ишларини давом эттириб, янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқда.

СССР Қуролли Кучларининг шонли 37 йиллигини совет халқи ва унинг шавкатли жангчилари коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида ажойиб муваффақиятлар қўлга киритилаётган шароитда кутиб олмоқда. Ватанимиз борган сари бой ва кучлироқ бўлиб бормоқда, халқимизнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ўсмоқда.

Мамлакатимиз оғир индустрияни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Оғир индустрия совет экономикасининг гуллаб-яшнаши, халқ моддий фаровонлигининг ўсиши, совет давлати мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши асосларининг асоси бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бешинчи бешйиллиқнинг тўрт йили ичида СССР саноатининг ялпи маҳсулоти 65 процент кўпайди. 1955 йилда бутун саноат маҳсулоти 1950 йилга нисбатан 80 процент кўп бўлади. Саноат бўйича бешйиллик план муддатидан илгари бажарилади.

Колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларини гоят кўтаринки руҳ билан бажармоқдалар. Ўтган йили мамлакат дон, пахта, эгигир, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ олди. 1954 ва 1955 йиллар ҳосили учун 17 миллион 600 минг гектар қўруқ ва бўз ерлар ҳайдалиб қўйилди. План топшириғи эса, 13 миллион гектар эди.

Партия ва ҳукуматнинг тинмай кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли социалистик маданият юксалмоқда, халқнинг ма'навий бойлиги ортмоқда.

Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги бузилмас иттифоқ янада мустаҳкамланди, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги қудратли кучга айланди.

СССР иқтисодий қудратининг ўсиши, совет фанининг ривожланиши билан бирга Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати ҳам ўсди. Ҳозир Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳозирги замон қуролларининг янги турлари ва ажойиб жанговар техника билан та'минланган. Жанговар техника даражаси улуғ Ватан уруши давридаги қуроллар даражасидан анча юқоридир.

Тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги манфаатларига содиқ бўлган совет давлати халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш сиёсатини, барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва амалий муносабатларни ривожлантириш сиёсатини изчиллик билан олиб бормоқда. Совет давлати Европада коллектив ҳавфсизлик системасини барпо этиш тўғрисида ва герман масаласи юзасидан таклифларни ишлаб чиқди. У, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига қуролларни камайтириш ҳамда атом, водород қуроллари ва ялпи қирғин қуролларнинг бошқа турларини та'қиқлаш масаласи юзасидан халқаро конвенция тузиш тўғрисидаги таклифни киритди.

Аммо халқаро кескинликни юмшатишга йўл қўймасликка жон-жаҳдлари билан интилаётган империалистик давлатларнинг реакцион ҳукмрон доираларига бу нарса ёқмаётир. АҚШ империалистлари янги уруш зўр бериб тайёрланмоқдалар. Улар Европа ва Осиёда турли агрессив блоклар тузмоқдалар, Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар давлатлар атрофида жуда кўп ҳарбий базалар вужудга келтирмоқдалар. Ҳозир АҚШ ва Англия империалистлари инсониятга сонсиз-саноқсиз кулфат келтирган герман милитаризмини қайта тиклашга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар.

Буржуа мамлакатларининг Америка генерали Грюнтер, инглиз фельдмаршали Монтгомери сингари айрим арбоблари ҳарбий конфликт келиб чиққан тақдирда, Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатларига қарши атом қуролидан фойдаланишга чақирмоқдалар. Агрессив Шимолий Атлантик блокининг 1954 йилнинг охирида бўлиб ўтган сессияси эса атом уруши планларини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Совет халқи тинчлик учун қат'ият билан кураш олиб бормоқда. Социалистик лагерьдаги бошқа мамлакатлар сингари бизнинг мамлакатимиз ҳам ҳеч кимга ҳавф тутдираётгани йўқ ва ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи эмас. Аммо бизнинг тинчликка ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликка интилаётганлигимиз заифлигимизни билдирмайди.

Янги, бахтиёр ҳаёт қуриш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришган Хитой Халқ Республикаси, бутун халқ демократияси мамлакатлари Совет Иттифоқи билан бир қаторда бормоқда.

Ўтган йилнинг охирида Москвада Европадаги бирқанча мамлакатларнинг Кенгаши бўлиб ўтди. Бу Кенгаш Совет ҳукуматининг ташаббуси билан чақирилди. Кенгаш қатнашчилари бўлган давлатларнинг вакиллари ўз Декларацияларида Париж битимлари ратификация қилингудай бўлса, ўз халқлари тинч меҳнатини агрессия ҳавфидан сақлаш, ўз чегаралари дахлсизлигини гарантия қилиш мақсадида қуролли кучларни ва уларнинг қўмондонлигини ташкил қилиш, ўз мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаш соҳасида бирликда тадбирлар амалга оширишларини айтдилар.

Ер юзининг барча мамлакатларида тинчлик учун, атом қуроли ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш учун кураш янги куч билан авж олмоқда. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг чақириғи билан кўпгина мамлакатларда атом қуролини тақиқлаш учун имзолар тўплаш бошланди.

Совет халқи Ватанимиз тупроғига бостириб киришга жур'ат этган ҳарқандай душман устидан ғалаба қозониш учун керак бўлган ҳамма нарсалар билан та'минланган Қуролли Кучларининг қудратига ишонган ҳолда комил ишонч билан олға, коммунизм сари бормоқда.

Совет қуролли кучлари социалистик Ватанимиз чегараларининг муқаддаслигини сақлаш учун жавобгар эканликларини доим эсда сақлаган ҳолда СССРнинг давлат манфаатларини, коммунизм қураётган халқимизнинг тинч ижодий меҳнатини сергаклик билан кўриқлаб турипти.

ОТОҚЛИ СОВЕТ ЁЗУЧИСИ

(А. Н. Толстойнинг вафотига 10 йил тўлиши муносабати билан)

Алексей Николаевич Толстой асарлари совет маданияти хазинасига қимматли ҳисса бўлиб қўшилди. Бадиий адабиётнинг бу отоқли мастери катта ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди.

Алексей Николаевич ўз отасининг Самарага (ҳозирги Куйбишев шаҳрига) яқин бир жойдаги дворянлик усадьбасида туғилди, болалик чоғларини шу усадьбада ўтказади. Бўлажак ёзучининг онаси ўқимишли киши эди, адабий ижодиёт билан шуғулланиб, болалар учун бирқанча китоблар ёзган киши эди. Алексей Николаевич 15 ёшиданоқ ше'рлар ёзабошлади. Унинг «Лирика» сарлавҳали биринчи китоби 1907 йилда босилиб чиқди. Бу ше'рларда ўша вақтда мода бўлиб қолган символизм поэзиясининг та'сирлари бор эди. Аммо Толстой шу китоб босилиб чиққанидан кейин орадан сал ўтмай, шу китобнинг айрим нусхаларини йиғиб олиб, йўқ қилишга киришди, чунки, унинг символизм поэзиясидан ихлоси қайтган эди.

А. Н. Толстойнинг «Заволжье» деган ҳикоялар цикли ёзучининг адабиёт соҳасида шуҳрат қозонишига сабабчи бўлди. Бу ҳикояларда асосан Заволжьедаги помешчикларнинг ҳаёти тасвирланган. Ёзучи бетамиз ва иш'ёқмас дворянлар муҳитини шу асарда юмор билан, кўпинча сатира тарзида кўрсатиб берди. Шу билан бирга Алексей Толстой умри тугаб бораётган дворянлар муҳитини фош қилар экан, рус миллий характерининг гоят ёқимли ижобий хислатларини ҳам очиб берди. Ёзучининг «Никитанинг болалик чоғлари» номли автобиографик повестида рус турмушининг характерли хусусиятлари катта маҳорат билан тасвирланади, болаларнинг психологиясини гоят ўткир бир тарзда кўрсатиб берилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги дастлабки йилларни А. Н. Толстой четларда ўтказди. Унинг шу даврдаги асарларида ўз ватанига хиёнат қилган кишиларнинг, оқ эмигрантларнинг паразитик ҳаёт кечираётганликлари сатира тарзида тасвирланади («Ибикус», «Караваг остидан топилган қўл'ёзма»). Яна ўша вақтда ёзучи бирқанча фантастик асарлар яратди ва бу асарларда («Аэлита», «Инженер Гаринниг гиперболоиди» асарларида) катта социал проблемаларни кўтарди.

Толстойнинг «Петр Биринчи» романи, «Дон» повести, «Сарсонлик-саргардонликда» трилогияси ва «Иван Грозний» деган драматик повести унинг реалистик маҳоратини юксак даражага етказди.

«Сарсонлик-саргардонликда» трилогияси ёзучининг энг катта асарларидан биридир. Ёзучи бу асар устида йигирма икки йил муттасил ижодий иш олиб борди. Трилогиянинг «Опа-сингиллар» номли биринчи қисми 1921 йилда, «Учинчи» номли иккинчи қисми 1927 йилда ёзилиб бўлди, охирги қисми бўлган «Булутли арта» номли учинчи роман эса 1941 йилнинг унутилмас июнь ойларида ёзилди.

«Сарсонлик-саргардонликда» трилогиясидаги асосий қаҳрамонларнинг ҳаёти кенг тарихий воқиалар билан боғланган ҳолда кўрсатилади. Россиянинг урушдан олдинги йиллардаги ҳаётида рўй берган жуда муҳим воқиаларнинг ҳаммаси ва ёш совет республикасининг вужудга келиши китобхонлар кўз олдидан бирма-бир ўтади. Ватан ва унинг тақдири темаси ёзучининг ҳамма асарларида етакчи темадир.

Толстой ўз персонажларини жуда кўп ҳаёт тўсиқлари орқали олиб ўтиб, ҳарбир соф виждонли интеллигентнинг шахсий ҳаётини халқ ҳаётидан ажратиб бўлмайди, деган фикрни исботлайди. Воқиаларнинг бориши Рошчинни Катидан, Телегинни Дашадан ажратиб қўяди. Уларнинг ҳарқайсиси катта қийинчиликларни енгиб, сўнгра бир-бирлари билан танишадилар. Уларнинг гражданлик ҳислари шахсий туйғуларидан устун бўлиб чиқади. Телегин, фақат шиддатли курашларгина ватаннинг мустақиллигига ва бахтига эришиш мумкинлигини англаб, дастлаб рус қўшинлари сафида, сўнгра эса граждан уруши фронтларида қизил командир бўлиб, жангларда ботирларча курашади. Трилогиянинг иккала қаҳрамони Даша билан Катя ҳарқандай синовлардан ўтиб, улар ҳам умумхалқ курашига қўшиладилар. Вадим Рошчин дастлаб революциядан юз ўгиради, ҳатто ватандан воз кечишга ҳам тайёр эди. Лекин оқ гвардиячиларнинг чириб бораётганлигини кўриб, аста-секин унинг кўзи очилади, оқлар армияси ватанни қутқазиб қолучи кишилардан иборат бўлмай, балки ўз манфаатини кўзловчи разил ва хоин кишилардан иборат эканлигини яққол тушунади. Рошчин тарихий ҳақиқат ўз эркинлиги учун курашга кўтарилган халқ томонида эканлигини англаб, революция тарафдори бўлиб қолади.

Романда рус ҳаётининг манзаралари худди кинофильмдагидек китобхонлар кўз олдидан ўтади — китобхон Екатерина Дмитриевнанинг салонини, забастовкалар бўлаётган заводни, ҳарбий асир офицерлар лагерини, фронтни кўз ўнгидан ўтказади, ўлимга ҳукм қилинган асирларнинг лагерьдан қочганлигини, ҳарбий дала судининг мажлисини, жанг манзараларини ва окопларидаги солдатларнинг ҳаётини бирма-бир кўради.

Толстой жанг тарихий воқиалар асосида ўзининг асосий қаҳрамонларини тасвирлайди. Иван Ильич Телегин «ихтиросли, талантли ва ниҳоят даражада ишчан» рус халқининг ҳақиқий фарзандидир. Ёзучи аввал бошданоқ Телегин характерининг ижобий томонларини очиб беради. Бу ижобий томонларнинг бири шуки, Телегин ишчиларга яқин кишидир, у инженер бўлганлиги учун ҳамма ишчилар билан яқин алоқада бўлган. Толстой Телегин образидаги зиддиятларнинг ҳаммасини кўрсатиб беради: Телегиннинг энг яхши хислари шундаки, у ўз мамлакатига, халқ кучларига ишонади. У «бизда ҳам охир бир кун аҳвол яхшиланиб кетишига» аминдир, революция «Васька Рублев сингари кишилар билан мустаҳкам боғланганлигини» ҳис қилади. Гарчи Телегин сиёсатни унча яхши пайқамаса ҳам, ўзининг мустаҳкам платформаси бўлмаса ҳам, асарларги бошқа персонажларга қараганда, тўғрироқ йўлдан борган Телегин ҳеч ҳаҳ иккиланмай революция томонига ўтади.

Трилогия қаҳрамонларидан бири бўлган Вадим Рошчин анча мураккаброқ кишидир. У, империалистик уруш фронтларининг тарқалиб кетаётганлигини Россиянинг ҳалоқ бўлиши, рус давлатининг ҳалоқ бўлиши деб тушунади. У воқиаларнинг бориши жуда табиий бўлмоқда, «сотдат ўзини уч йилдан бери алдаб келган жойга тупурди ва энди уни урушишга асло мажбур қилиб бўлмайди» деган фикрга келади. Шунинг учун Вадим Рошчин Телегинга бундай дейди: «Энди сиз билан бизнинг ватанимиз қолмади, ватанимиз бўлган жойгина қолди. Улуғ Россия ўзининг улуғлигини йўқотди».

Рошчин граждан уруши йилларида оқлар армияси сафида курашади, сўнгра эса махночиларга асир бўлиб тушади. У жуда кўп қийноқларни бошидан кечириб, қўлига қурол олган ҳолда яна сафга қайтади, лекин энди у, яхши ҳаёт учун курашаётган меҳнаткашлар томонига ўтиб курашади.

Ленин идеяларининг қудратли кучи трилогия қаҳрамонларининг қалбига чуқур сингади, Ленининг электрлаштириш планига Рошчин жуда хурсандлик билан қарайди. У Катя билан суҳбатда бундай дейди: «Бизнинг зўр ғайрат билан қилган ҳамма ишимиз, тўкилган қонлар, тортган ҳамма азоб-уқубатларимиз қандай моҳият касб қилаётганлигини тушунаяпсанми... Биз жаҳонни яхшилик учун қайта қурамиз... Шу залдагиларнинг ҳаммаси бунинг учун ўз ҳаётини беришга тайёр...».

Толстой рус кишисининг қиёфасини ва характерини тасвирламоқ учун рус адабий тилидан моҳирлик билан фойдаланади. Автор ўз қаҳрамонларининг эмоциялари, фикрлари, кечинмаларидаги энг нозик жиҳатларини ҳам тасвирлаб беради. Реализм принципларига тўла мувофиқ равишда персонажларнинг ҳарқайсиси ўзига хос тилда сўзлайди. Персонажларнинг нутқи автор нутқидек содда ва ифодали нутқдир.

Китобхон трилогияда граждан урушининг энг муҳим даврига — 1918 йилда Царицинни қаҳрамонона мудофаа қилишга бағишланган «Нон» повестидаги (1937) персонажларга ҳам дуч келади. Большевик ишчи Василий Рублев, большевик Иван Гора ва унинг жанговар дўсти Агрипина трилогияда ҳам, «Нон» повестида ҳам тасвирланади. Бу қаҳрамонлар революциянинг асосий, туб идеяларини гавдалантирадилар, улар оммаанинг чинакам йўлбошчиларидирлар, омма орасидан чиққан йўлбошчиларидирлар.

«Нон» повестида гражданлар урушининг ватан уруши эканлиги, чинакам озодлик уруши, халқ уруши эканлиги зўр кучлар билан кўрсатилган. Бу повестьда 5-нчи армиянинг Луганскдан Царицинга қилган қаҳрамонона юриши, оқгвардиячиларнинг Царицини қамал қилган пайтлари ва ниҳоят, И. В. Сталин плани асосида ва унинг раҳбарлиги остида Совет Армияси қисмлари оқгвардиячиларни бутунлай тор-мор қилганлиги тасвирланади.

А. Н. Толстой замонамизни тасвирламоқ учун ёрқин бўёқлар топиб, тарихга ҳам мурожаат қилади, социал ҳаёт тараққиётининг қонуниларини монументал тарихий воқиалар орқали тасвирлаб беришга интилади. Толстой биринчи галда Россия тарихида энг катта бурилиш даври бўлган Петр I даврига назар солади. Ёзучи бу даврни жуда катта маданий бурилиш даври сифатида кўрсатди. Ўша даврда халқ орасидан янги давлат арбоблари, Россияни маданий тараққиёт йўлига кўчирган, уни Европа давлатларининг биринчи сафига олиб чиқкан янги кучлар етишди. Романда рус миллий характерининг аниқса петр даврида яққол гавдаланган улуғлиги очиб берилади. Пётрнинг ҳаётини бутун мамлакат ҳаётидан ва унинг тарихий тақдиридан ажратиш мумкин бўлмаганлиги сабабли роман ўзига хос йилнома тусини олади, бу романни ҳаттоки, XVIII аср биринчи ярмидаги рус ҳаётининг бадиий энциклопедияси деса ҳам бўлади.

Ёзучи ўз умрининг охирги йилларида, Ватан уруши даврида рус тарихи ўтмишининг яна бир диққатга сазовор арбобига — подшо Иван Грознийга назар солади. Толстой пьесалари Грознийга шафқатсизлик ва деспотизмнинг ўтакетган намунаси деб берилган нотўғри, лекин ўтмишда кўп тарқалган баҳони жуда кескин равишда рад қилиб ташлайди. Толстой Иван Грознийнинг ўз мамлакати учун, ўз ватанининг юксалиши учун қилган тарихий хизматларини тўғри кўрсатиб берди, Иван Грознийнинг мамлакатнинг прогрессив ривожланишига халақит берган реакцион боярларга қарши халқа таяниб олиб борган курашларини кўрсатди.

Алексей Толстой 1941—1945 йиллардаги Ватан уруши кунларида халқни Ватани ҳимоя қилиш учун фидокорона курашга чақиручи жуда кўп оташин мақолалар ёзди. Толстой ўзининг шу даврдаги мақолаларидан бирида бундай деб ёзган эди: «Эй менинг Ватаним, сенинг бошингга қийин синов тушди, лекин сен бу синовдан ғалаба билан чиқасан, чунки сен кучлисан, сен ёшсан, сен яхшисан, сенинг қалбингда яхшилик ва гўзаллик бор. Сен ёрқин келажакка умид билан тўлиб тошгансан, сен ўзингнинг катта қўлларинг билан шу ёрқин келажакни қураётирсан, сенинг энг яхши фарзандларинг мана шу ёрқин келажак учун деб жон бериб, жон олмоқда».

Алексей Толстой Ватанимизнинг ғалаба қозонишига астойдил ишонар эди ва шу ғалаба кунларини сабрсизлик билан кутган эди. Лекин ғалабанинг ёруғ кунларини кўриш Алексей Толстойга насиб бўлмади. У, 1945 йил 23 февральда вафот этди. Алексей Толстой ўзи бошлаб қўйган кўпгина асарларини тугатмасдан, «Пётр Биринчи» романининг 3-нчи томини тамомламасдан вафот этди Лекин А. Толстойнинг ёзиб улгурган асарлари ҳам унинг совет адабиётида олдинги ўринлардан бирини олишини та'минлади.

Профессор А. ВОЛКОВ,
филология фанлари доктори.

КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР ХАЛҚ БЛОКИНИНГ ҚАНДИДАТЛАРИ.

ФАҲРИЙ ШАХТЁР

— Шундай қилиб, сен қаерга борморчисан? — деди Анастасия Ермолаевна Братерская 18 яшар ўғли Ванянинг шахтёрликка ўқиш учун кетажагидан ташвишланиб ва кўзларига ёш олди.

— Шахта куч-қувватни, соғломликни талаб этади. Сен бўлсанг, қара, жуда ориқ, бунинг устига жуссанг ҳам кичкина.

Анастасия Ермолаевна қанча уринмасин, барибир, Ваня ўз сўзида қат'ий туриб олди. Она ноилож розилик билдирди.

1942 йил. Жонажон Ватан тупроғини ҳимоя этиш учун фронтга жўнаб кетган тажрибали ишчилар ўрнига, фабрикалар, заводлар ва шахталарга янги смена — хотин-қизлар, ёшлар келдилар. Душманни тор-мор қилиш иши фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам катта куч ва ғайратни, матонатни талаб этарди. Фронт кўплаб тўп, танк, снаряд кутарди. Металлдан бундай қурол-яроғларни тайёрламоқ учун кўпроқ кўмир керак эди.

...Душман Новошахтинскка яқинлашди, тоғ кадрлари тайёрлаб чиқарадиган ФЗО мактаби ўз ишини тўхтатди. унинг ўқучилари мамлакатимизнинг турли томонларига жўнаб кетдилар. Иван Братерский эса, Оҳангарон шаҳрига келди. У, бу ерда 18-нчи ФЗО мактабини муваффақиятли тамомлади. Мана, ёш шахтёр биринчи марта 2-нчи шахта лавасита тушиб кетмоқда...

Иван иш бошланган биринчи кунда анча қийналди. У кўмир қазишди, транспортларга кўмир юклади, бошқалар билан биргаликда астойдил ишлади.

1944 йил Иван Братерскийнинг ҳаётида кескин бурилиш йили бўлди. У шу йилги шахтёрлик мутахассислигини мукаммал эгаллади — новалоотбойчик бўлиб олди. Бу касбни эгаллашда новалоотбойчиклар бригадири Анатолий Заболотний унга жуда катта ёрдам кўрсатди.

Иван доим олға интилди, ўз устозининг сўзларига амал қилди. У тоғ мастери, участка бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлади. Иван бундай вазифаларда ишлар экан, уларги энг яхши фазилатлар яққол намоён бўлди: чинакам жамоатчи, хўжаликни бошқарооладиган киши сифатида танилди. Шундан сўнг у новалоотбойчиклар бригадири вазифасига тайинланди.

Вазифа анча оғир. Бригадада ҳархил характерга эга бўлган ва ҳархил малакали ишчилар бор эди. Уларни уюштириш, шу асосда бригадани илғор бригадалар қаторига ютариш керак эди. Броқ бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Ёш бригадир ана шу масала устида бош қотирди. У маслаҳатлашмоқ учун партия бюросига келди. Партия бюроси бригадани тажрибали новалоотбойчиклар ҳисобига мустаҳкамлашга ёрдам берди, бригалага коммунистлар бириктилди. Натижада Братерский бригадаси аста-секин энг илғор бригадалар сафидан ўрин олабошлади. Бригаданинг илғорлар қаторига ўтишида Братерскийнинг шахсий намуна кўрсатиб ишлаши катта роль ўйнади.

Иван шахтада транспортерларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш қандай уюштирилганини кўздан кечирди-ю, бу ишни тезкор метод билан амалга оширишга қарор қилди. Натижада шу пайттача бир ердан иккинчи ерга бир кун мобайнида кўчирилиб келинган «СТР — 30» транспортерини 4 соат ичида кўчиришга эришди ва ниҳоят транспортерни 3 соат мобайнида бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкинлигини исботлади. Бу янгиликнинг ғалабаси, новаторнинг ғалабаси эди.

Бизнинг мамлакатимизда фидокорона меҳнат партия ва ҳукумат томонидан тақдирланади. Иван Братерский ҳам ҳалол ва фидокорона меҳнати учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, СССР Кўмир саноати министрлиги томонидан бирнеча марта фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

...Иван Братерский шахтёрлар йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилди. Братерский янада яхшироқ ишлаш, халқ ишончини оқлашга сўз берди.

Ҳозир Братерский бригадасидаги новалоотбойчиклар 1955 йилнинг май ойи ҳисобига ишламоқдалар, кўмир қазишни кун сайин жадаллаштирмоқдалар.

44-нчи шахта сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олинган коммунист, донгдор шахтёр, 1-нчи участка новалоотбойчикларининг бригадири Иван Димитриевич Братерский ҳалол меҳнатнинг тўғри ва шонли йўлидан олға бормоқда.

Ал. БОРИСОВ,
Оҳангарон шаҳри.

ҒОЛИБ АРМИЯМ

Коммунистик партия йўллади шонга,
Ёвузлар адабин бердинг неча бор.
Мардлиқ му'жизасин ўйиб жаҳонга,
Муқаддас постингда турасан ҳуш'ёр.

Сенга бас келолмас ҳечқандайин куч,
Агар қаҳр қилсанг тебранар тоғ-тош,
Қонхўр жаллодларинг ҳаёлидир пуч,
Жасур Армиямсан, халқ сенга йўлдош.

Она-Ватанимиз гуркирар, яшнар,
Гўзал иқболимиз бир умр сўнмас.
Қадрдон Хитой ҳам тенг одим ташлар,
Қудрат манба'низ битмас-туганмас.

Демократия ғолиб байроғи
Зафар чўққиларин ош

ТОШКЕНТ ШАҲАР X ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

21 февраль эрталабки мажлис

Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг иши ҳақидаги ҳисобот докладини ва шаҳар партия комитети ревизия комиссиясининг иши ҳақидаги ҳисобот докладини муҳокама қилиш бошланади. Сўз Ўзбекистон КП Марказий район комитетининг секретари Ўртоқ **Шкуратовга** берилади.

— Марказий район партия ташкилоти,—дейди у,—ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилоти олдида турган вазифаларни ҳал қилишда актив қатнашди. Районнинг саноат корхоналари ишлабчиқаришни топшириқларини системали равишда бажариб келдилар, бир ме'ёрда ишлайбошладилар, маҳсулот ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтирдилар. Меҳнат унуми 20 процент ошди. 1954 йил плани район саноати томонидан анча ошириб бажарилди. 1955 йилнинг январь ойи плани ҳам ошириб бажарилди. Район партия ташкилоти республика қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш юзасидан катта ишлар қилди.

Сўнгра Ўртоқ Шкуратов давлат аппаратининг иши ҳақидаги масалаларга тўхталади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишидаги жиддий нуқсонлар кўпчилик министрликларнинг, хўжалик ва совет органларининг фаолиятига ҳам та'сир этди. Бу нуқсонлар Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг IV Пленумида принципиэл ва қаттиқ танқид қилинган эди.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон Госплани партия йиғилишларида, уларнинг хўжаликни муҳим тармоқларига раҳбарлик қилишдаги камчиликларини бюрократизм фактлари очиб ташланди. Масалан, Сув хўжалиги министрлиги коллегиясининг иш планида министрлик фаолиятининг асосий моментлари ифода қилинмаган. Совхозлар министрлигининг коллегияси республикадаги совхозларнинг ишини чуқур ва атрофлича муҳокама қилиш ўрнига, одатда майда-чуйда ва иккинчи даражали масалаларни ҳал қилиш блан шуғулланиб келди.

Ўртоқ Шкуратов ўз сўзида давом этиб айтдики, Ўзбекистон Госплани ходимлари районларда камдан-кам бўладилар, экономика масалаларини ва табиий шароитни ўрганмайдилар. Госплан ходимларининг турмушдан бундай ажралганлиги, қишлоқ хўжалигига берилиб кетганлиги планлашда жиддий нуқсонларга сабаб бўлмоқда.

Давлат Контроли министрлигининг фаолияти ҳақида гапириб, Ўртоқ Шкуратов бу министрликнинг ходимлари саноатчилар ва бюрократизмга қарши курашда кенг активга суянмаётганлигини кўрсатиб ўтди. Ҳолбуки, жамоатчилик уларнинг ишига катта ёрдам бериши мумкин. Давлат Контроли министрлигига пропуска блангина кириш мумкинлиги,—дейди у,—жуда ажабланарли бир ҳолдир.

Сўнгра Ўртоқ Шкуратов шаҳар ва район партия комитетлари ортиқча штатларни қисқартириш учун тегишли кураш олиб бормадилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети эса давлат аппаратининг ишини ихчамлаштириш масаласида шаҳар партия ташкилотининг ёрдамидан фойдаланмаётир, деди.

Ўртоқ Шкуратов шаҳар партия комитетини муҳим масалаларни ҳал қилишда шошма-шошарлик қилаётганлиги ва қишлоқ хўжалигига берилиб кетганлиги учун, бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибасини етарли ўрганмаётганлиги учун қаттиқ танқид қилди. Шунингдек Ўртоқ Шкуратов область партия комитетининг шаҳар партия ташкилотига бўш раҳбарлик қилаётганлигини айтади. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ма'мурий-молия бўлимининг айрим масалаларни ҳал қилишда шошма-шошарлик қилаётганлиги учун танқид қилади.

У, республика газеталарини ва область газеталари «Ташкентская правда» ва «Тошкент ҳақиқати»ни партия турмуши масалаларини, айниқса бошланғич партия ташкилотлари ишидаги тажрибаларини бўш ёритаётганликлари учун танқид қилди.

— Ўзбекэнерго трестининг бошқаручиси Ўртоқ Жеребцов ўз сўзида «Ўзбексельмаш» «Ташсельмаш» заводларининг ва шаҳардаги бошқа бирқанча корхона раҳбарларининг электр энергиясини ошиқча сарфлаётганликлари учун танқид қилди. Шунингдек у, шаҳар ижроия комитети ўзининг трансформатор пунктлари қурилиши ҳақидаги қарорларининг бажарилишини контроль қилмаётганлигини кўрсатиб ўтди. Линияларнинг гоят банд бўлганлиги натижасида шаҳар аҳолисининг майший эҳтиёжлари етарли равишда қондирилмаётир.

Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг секретари Ўртоқ **Шоисломов** ўз сўзини идеология соҳасидаги ишларга ва кадрларни тарбиялаш масаласига бағишлади. У, меҳнаткашларни идеологик жиҳатдан тарбиялаш соҳасида шаҳар ва район партия комитетлари томонидан йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар тўғрисида сўзлади. Шаҳар ва район партия комитетлари аҳоли ўртасида илмий-атеистик пропагандани кучайтириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмадилар. Ўртоқ Шоисломов шаҳар партия комитети, унинг секретари Арнаутов ва агитация пропаганда бўлимининг мудири Файзуллина Ўртоқларни райкомга бўш ёрдам берааётганликлари учун танқид қилади. Шаҳар партия комитетининг аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш учун раҳбар партия ва совет ходимларини жалб қилиш ҳақидаги жуда кўп қарорлари бажарилмаётир. Жумладан, Савдо министри Ўртоқ Зиёмов, Соғлиқни сақлаш министри Ўртоқ Соатов, Юстиция министри Ўртоқ Шералиев, Маданият министрлиги ва бошқа министрликларнинг раҳбар ходимлари, шаҳар ва область партия комитетларининг бўлим мудирлари хўжалик ва маданий қурилиш масалалари ҳақида бир марта ҳам лекция ва докладлар қилмадилар.

Ўртоқ Шоисломов маданий-майший қурилиш масалаларини ҳал қилишда суст-каллик кўрсатаётганлари учун республика Маданият министрлигини, Ўзбекистон ССР Министрлар Советини ва шаҳар партия комитетини танқид қилди.

Кадрларни танлаш ва тарбиялаш масалаларига тўхталиб, Ўртоқ Шоисломов ишончни оқламаган айрим ходимларга нисбатан ба'зан либералларча муносабатда бўлаётганлиги учун шаҳар партия комитетини танқид қилади. Жумладан, Ўртоқ Шоисломов чинни заводининг собиқ директори Равиковичга нисбатан шаҳар партия комитети либералларча муносабатда бўлганлигини мисол қилиб кўрсатади.

Ўртоқ Шоисломов ўз сўзининг охирида шаҳар партия комитети ва унинг бюроси район партия комитетларига қониқарсиз раҳбарлик қилдилар деди. Шаҳар партия комитети район партия комитетларининг ишига яқиндан раҳбарлик қилмади, район партия комитетлари секретарьлари ва райком аппарати ходимларининг иш тажрибасини оломоштиришни ташкил қилмади. Ўртоқ Шоисломов шаҳар партия комитетининг ташкилот бўлими ва унинг мудири Ўртоқ Белий бўш ишлаётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтди. Бу бўлим район партия комитетларининг ходимларига инструктаж бериб турмайди, одатда район партия комитетлари блан телефон орқалигина алоқа қилади. Шаҳар партия комитети район партия комитетларининг бюро йиғилишлари ва пленумларининг ҳамда партия активи йиғилишларининг қарорларини ўрганиб бормайди, шунинг учун ҳам бу ҳужжатларда баён қилинган танқидий мулоҳазалар ва шаҳар партия комитети олдига қўйиладиган талаблар кўпинча ҳал қилинмай қолади.

21 февраль кечки мажлис

21 февраль кечки мажлисда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботни ва Тошкент шаҳар партия комитети ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилиш давом этди.

Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Абдунабиев** ўз сўзида шаҳар комсомол ташкилотининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишлари ҳақида гапириб, комсомолга суст раҳбарлик қилаётган ба'зи партия ташкилотларини танқид қилди. Жумладан, Шарқоподшипник» заводи, «Ташкентканбель», экскаватор заводларининг партия ташкилотлари, шунингдек Куйбишев район партия комитети ва унинг секретарьлари Попов ва Семенцов Ўртоқлар комсомолга ёшларни раҳбарлик қилмоқдалар. Партия ташкилотларининг ходимлари район комсомол комитети пленумларининг, комсомол активи район йиғилишларининг ишларида кўпинча қатнашмайдилар.

Сўнгра Ўртоқ Абдунабиев айтдики, тарбия ишларининг сусайтириб юборилганлиги натижасида ёшларнинг айрим бир қисми ўртасида безорилик, пиянисталик ва шу сингари ярамас ҳоллар юз бермоқда. Ёшларнинг маданий дам олиши уюштирилмаган, физкультура ва спорт ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда.

Шаҳар комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми соғлом турмуш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди ва ёшлар ўртасидаги тарбия ишларини яхшилашга қаратилган бирқанча тадбирларни белгилади. Биз, — дейди Ўртоқ Абдунабиев, — бу тадбирларни амалга ошириш учун бутун кучимизни сафарбар қиламиз. Аммо комсомолга жиддий ёрдам керак. Тошкентдаги тамошахоналар сра етарли эмас. Шу сабаблан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шаҳарда яқин икки-уч йил ичида кинотеатларни кўпайтириш тўғрисида гамхўрлик қилмоғи керак. Ўртоқ Абдунабиев Маданият министрлигини ва шу жумладан кинематография бошқармасини кинофильмларни кўрсатишни нотўғри планлаштираётганликлари учун танқид қилади. Ўртоқ Абдунабиев кинематография бошқармаси раҳбарларининг коммерция манфаатларини ёшлари тарбиялаш манфаатларидан устун кўраётганлигини тасдиқловчи фактлар келтиради.

Ўртоқ Абдунабиев сўзининг охирида ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялашлари юзасидан жавобгарликни ошириш масаласини кўтаради. У, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий секретари Ўртоқ Юнусовнинг, Маҳаллий саноат министрининг собиқ ўринбосари Ўртоқ Голубжининг, Ленин район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Юсуповнинг ўз болаларини тарбиялашга мас'улиятсизлик блан қараётганликларини уқтириб ўтади.

«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари Ўртоқ **Тудаков** сўз олади. Ўртоқ Тудаков завод партия ташкилотининг иш тажрибалари тўғрисида сўзлаб берди. Аммо, — дейди Ўртоқ Тудаков, — партия ташкилотининг ишлари ҳали юксак даражага кўтарилган эмас. Бу йил корхона икки қаторли янги горизонталь—шпиндельли пахта терши машиналарини, кўрак чувиладиган янги машиналарни, эски маркали қишлоқ хўжалик машиналарини ўзгартириш учун керакли деталь, ҳамда узелларни ва шу сингаларни кўплаб ишлаб чиқарабошлайди. Бунинг учун заводнинг бутун ишини қайтадан қуриш зарур.

Партия ташкилоти қишлоқ хўжалигининг заказларини сўзсиз бажариш ва корхонадаги барча ички резерврларни топиб, улардан фойдаланиш учун коллективнинг кучларини сафарбар қилмоқда. Бирқанча ташкилий тадбирлар кўрилганлиги натижасида корхона раҳбарлари ва завод партия ташкилоти маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар тайёрлаш сур'атларини тезлатишга муваффақ бўлдилар. Аммо завод бирқанча масалаларни ҳал этишда катта ёрдамга муҳтождир. Лекин шунга қарамай СССР Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлик министрлигининг корхонага амалий ёрдам кўрсатишга расмиятчилик блан бюрократларча қарамоқда.

Шаҳар партия комитети ҳам «Ташсельмаш» партия ташкилотига етарли даражада ёрдам бермаётир. Шаҳардаги партия ташкилотларининг иш тажрибаларини Ўртоқлашиш суст уюштирилган. Шаҳар партия комитети ба'зи тадбирларни қарбир корхона ва ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларига қараб амалга оширмаётир.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Юсупова** минбарга чиқади. Ўртоқ Юсупова айтадики, ҳисобот даври мобайнида, уй-жой бинолари қурилиши бирмунча яхшиланди. Аҳолини сув блан та'миналаш, кўчаларни ёритиш, шаҳарни обод қилиш соҳасида анча иш қилинди.

— Лекин, — дейди Ўртоқ Юсупова, — шаҳар ижроия комитетининг ишларида, айниқса қурилиш учун керакли материалларни планлаштириш ҳамда тақсимлаш соҳасида жиддий хато ва камчиликлар бор. Уй-жойларни ремонт қилишдаги каттакатта камчиликлар тўғрисида кўпгина ҳақли шикоятлар олинмоқда. Квартиралар ремонти кечиктирилмоқда, ер участкаларини ажратиб бериш масаласини ҳал этишда сансоларликка йўл қўйилмоқда. Социалистик қонунчиликни бузучиларга қарши кескин кураш олиб бормаётган милиция органлари ша'нига ҳам та'налар кўп эшитилмоқда.

Ўртоқ Юсупова айтадики, партия ташкилотлари ва юқори совет органлари шаҳар ижроия комитетига ёрдамни кучайтирганларида кўп хато ва камчиликларнинг олдини олиш мумкин бўлар эди. Лекин шаҳар партия комитети ва республика Министрлар Совети ёрдам бериш ўрнига кўпинча шаҳар ижроия комитети устидан васийлик қилиш блан шуғулланадилар. Шаҳар партия комитетининг секретарьлари принципиал характерда бўлмаган майда хўжалик масалаларини ҳал этишга кўп вақт аралашиб келдилар, шаҳар ижроия комитетининг ишини бажаришга уриниб, унинг ишларида қийинчилик туғдирдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ходимлари ҳам квартираларни ва участкаларни тақсимлашда каён масалаларни ҳал этишга аралашиб келдилар.

— Министрлар Совети ва Республика Госплани, — дейди Ўртоқ Юсупова, — планлаштириш масалаларида камчиликларга йўл қўйиб келмоқдалар. Биз, толь фабрикаси қуришни подряд ишлари планига киритиш учун тўрт йилдан буён ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Аммо Министрлар Совети ва жумладан Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ўртоқ Рудин бу ишда ёрдам беришдан бош тортиб келмоқда. Ҳолбуки, толь эҳтиёж жуда катта эканлиги ма'лум. Ёки бошқа бир характерли мисолни олиб кўрайлик. Шаҳар ижроия комитети бўш уй-жой майдонига эга эмаслигини Министрлар Совети ходимлари яхши биладилар, лекин шунга қарамай бизларни айрим ходимларга квартиралар ажратиб беришга мажбур этадилар. Агар ана шундай фармойишларни бажаришга тўғри келганида, салкам йигирма минг метр ҳажмида уй-жой талаб этилган бўлар эди.

Ўртоқ Юсупова сўзининг охирида Тошкент меҳнаткашларини сабзавот блан та'миналаш масаласи ҳали ҳам ҳал этилмаганлигини ва бунинг учун Тошкент область партия комитети ҳамда область ижроия комитети зиммасига ҳам талайгина айб юкланажагини та'кидлайди.

Горький номли театрнинг директори Ўртоқ **Козлов** театр коллективлари ва драматургларнинг ижодий ҳамкорлиги масалаларига тўхталиб ўтади. Қаҳҳор, Раҳмонов, Яшин, Уйғун ва шулар сингари етакчи драматургларнинг кўплари театрлар учун оз асар ёзмоқдалар, ҳолбуки театрлар яхши пьесаларга жуда муҳтождирлар. Ўзбекистон ёзучилари с'ездидан буён анча вақт ўтди, лекин драматургларнинг ҳали ҳам жуда оз пьеса ёзмоқдалар. Ҳозирги замон темаларига доир пьесалар бўлмаса, театр бир ўринда тўхтаб қолишга, ҳаётдан, совет тамошабиларини гоят қизиқтираётган энг муҳим проблемалардан ажралиб қолишга мажбур бўлади.

— Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, — дейди Ўртоқ Козлов, — ўзининг ташкилотчилик ишларини кучайтириши, драматургларнинг ижодий фаолиятини тўғлаш яхшилашга эришмоғи керак. Бу ишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Маданият бўлими министрликка ёрдам бериши керак.

Киров район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Мусахонова** сўз олади.

Ўртоқ Мусахонова район партия комитети саноат корхоналарининг хусусиятларига қараб раҳбарлик қилабошлаганлигини ва уларнинг экономикасига зўр э'тибор бераётганлигини айтади. Райондаги саноат корхоналари 1954 йил планини ортиги блан бажардилар. Маҳсулотнинг таннархи камайди, сифати яхшиланди. Шу блан бирга район партия комитети корхоналарга раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликларга ҳали барҳам берган эмас. Жумладан, қолоқ завод ва фабрикаларга кам э'тибор берилди. Бунинг натижасида 14 корхона 1954 йилги давлат планини бажармади.

— Агар, — деб уқтириб ўтади Ўртоқ Мусахонова, — шаҳар партия комитети, область партия комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети район партия комитетларига ва корхоналардаги партия ташкилотларига пухта раҳбарлик қилганларида, район партия комитетининг жойлардаги ташкилотларга раҳбарлик қилишида камчилик ва хатолар ҳам бўлар эди.

Ўртоқ Мусахонова пахтачилик бўйича махсус давлат конструкторлик бюросини кескин танқид қилади. Бюронинг айрим конструкторлари ўз ишларида мас'улият сезмаётирлар. Масалан, сеялкаларнинг конструкцияси жиддий суратда ўзгартирилганлиги сабабли «Ўзбексельмаш» заводи сеялкалар чиқаришни кечиктирмоқда. Завод машиналарни кўплаб тайёрлашга киришган даврдагина конструкторлик бюроси конструкциядаги ўзгаришларни заводга ма'лум қилади.

Сўнгра Ўртоқ Мусахонова шаҳар партия комитетининг иш услуби ва методларига тўхталиб ўтади, шаҳар партия комитети ташкилот бўлими, пропаганда ва агитация бўлимининг ишларини танқид қилади. Ана шу бўлимларнинг мудирлари Белий ва Файзуллина Ўртоқлар бошланғич партия ташкилотларигагина эмас, балки райён партия комитетларига ҳам камдан-кам бориб турадилар ва асосан телефон орқали раҳбарлик қиладилар.

Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министри Ўртоқ **Хўжаев** ўз сўзида Тошкент шаҳридаги қурилиш ишларининг борыши блан боғлиқ бўлган масалаларга тўхталиб ўтди. У, министрлик ва қурилиш ташкилотлари йўл қўяётган катта-катта камчилик ва хатоларни кўрсатиб, Ўзбекистон ССР Госплани танқид қилади. Кўпгина қурилиш об'ектлари зарур бинокорлик материаллари блан ўз вақтида та'миналмаётир, қурилишларга пул чиқариш ва проект-смета ҳужжатларини тайёрлаш кечикмоқда.

Сўнгра Ўртоқ Хўжаев шаҳар партия комитети ва унинг секретарьлари Абдураззоқов ҳамда Сазонов Ўртоқларни министрликларнинг ва қурилиш ташкилотларининг партия ташкилотларига тегишинча э'тибор бермаётганликлари учун танқид қилади. Қурилиш ташкилотларининг ишида жиддий камчиликлар бор, лекин шунга қарамай шаҳар партия комитети ва Марказий район партия комитетининг ходимлари партия йиғилишларига бормайдилар, қурилиш ташкилотлари коммунистларининг ишларига доир ҳаётий-муҳим масалаларни муҳокама қилишда қатнашмайдилар.

Ўртоқ Хўжаев «Правда Востока»ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларини танқид қилди. Масалан, бу газеталар шаҳар партия комитетининг Тошкентда уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари масаласини муҳокама қилган пленуми тўғрисидаги ҳисоботни босганида пленумда Госплан ва Молия министрлигининг ба'зи раҳбарлари танқид қилингани ҳақида ёзмаган.

Ёзучи **А. Қаҳҳор** минбарга чиқади. Ўртоқ А. Қаҳҳор ўзбек совет адабиёти босиб ўтган буюк ижодий йўл ҳақида гапиради. Ўзбек ёзучиларнинг кўпгина асарлари Совет мамлакатидаги китобхонларга ва четелларгаги дўстларимизга ма'лум. Ўзбек ёзучиларининг энг яхши асарлари хитой, румин, болгар, поляк, чех, албан тилларига ва бошқа тилларга таржима қилинди.

— Биз,—дейди Ўртоқ А. Қаҳҳор,—шубҳасиз катта муваффақиятларга эришдик. Аммо ўзбек совет адабиётининг тараққиёт сур'атлари янада кўп иш қилишни талаб этаётганлиги ҳам шубҳасиздир. Ёзучиларни кўпинча ижодий пассивликлари учун тўғри танқид қиладилар. Аммо шу блан бирга ба'зи танқидчиларимизни ҳам танқид қилишга тўғри келади. Ма'лумки, драматургиянинг энг яхши асарлари авторларнинг театр коллективлари блан ижодий ҳамкорлиги асосида вужудга келтирилди ва вужудга келтирилмоқда. Горький номли театр нима учун драматургларнинг блан иш олиб бормаётир ва нима учун авторнинг янги қўлёзма келтиришини бамайлихотир кутиб туради?

Сўнгра Ўртоқ А. Қаҳҳор айтадики, КПСС Марказий Комитети ёзучиларга замонамиз қаҳрамонларининг — ишчиларнинг, қишлоқ меҳнаткашларининг, ақлий меҳнат кишиларининг образларини яратиш зарурлигини доим кўрсатиб келмоқда. Партиянинг кўрсатмаларини муваффақиятли бажариш ёзучилар ташкилотларида ишнинг яхши йўлга қўйилишига, партия органларининг бу ташкилотларга раҳбарлик қилиш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кейинги вақтларда шаҳар партия комитети Ёзучилар союзига кўпроқ э'тибор беробошлади. Аммо шаҳар партия комитети ёзучилар ташкилотларига системали ва конкрет суратда раҳбарлик қилиши ёзучиларнинг ижодига йўл кўрсатиб туриши керак.

Ўртоқ А. Қаҳҳор сўзининг охирида айтдики, Ўзбекистон ёзучилари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари юзасидан чиқарган қарорларини амалга оширишда гоят яқиндан қатнашишни ўзларининг муқаддас вазифалари деб ҳисоблайдилар. Улар бундан буён ҳам совет адабиётини ривожлантириш учун фидокорона меҳнат қиладилар ва янги, ижодий муваффақиятларга эришадилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари Ўртоқ **Сергеева**га сўз берилади. Ўртоқ Сергеева тўқимачилар коллективининг меҳнат унумдорлигини ошириш учун, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун, бешинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун олиб бораётган курашида партия ташкилотининг ташкилотчилик роли кучайганлиги ҳақида гапириб, комбинатнинг ишларида катта-катта камчиликлар борлигини ҳам кўрсатди. Ўринсиз ҳаражатлар орқасида нобудгарчилик ҳали ҳам кўп, меҳнат интизомини бузиш ва молларни ўғирлаш каби ярамас ҳолларга тамомила тўхтоб берилган эмас. 1-нчи пахта заводи (директори Ўртоқ Дериглазев, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Мирзаев) комбинатга паст сифатли хомаш'е етказиб бермоқда. Бундай паст сифатли хомаш'ёдан яхши ип тайёрлашнинг иложи йўқ.

Сўнгра Ўртоқ Сергеева комбинатнинг қишлоқ хўжалигига берааётган ёрдами тўғрисида сўзлайди. Комбинатнинг механика заводи шу пайттача икки ойлик топшириқни бажарди ва 4000 культиватор учун узеллар тайёрлади. Тўқимачилик комбинатининг коллективи МТС ва колхозларни ўз отаолигига олган.

Ўртоқ Сергеева коллектив орасида олиб борилаётган сиёсий агитация ишлари корхонанинг бир ме'ёрда ишлаши учун муҳим роль ўйнаётганлигини айтади. Комбинат партия ташкилоти партия ва ҳукуматнинг мамлакатнинг экономикасини янада мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини тўқимачиларга доим тушунтириб келмоқда. 800 га яқин агитатор ва сухбатчи цехларда тушунтириш ишлари олиб бормоқда, лекциялар мунтазам суратда ўқилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина соғлом ҳаётни пропаганда қилишга, атеистик пропаганда масалаларига, табиий-илмий билимларни ёйишга бағишлаб 10 марта кеча ўтказилди.

Сўнгра Ўртоқ Сергеева тўқимачиларнинг социалистик шаҳарчасини обод қилиш тўғрисида гамхўрлик қилмаётганликлари учун шаҳар ижроия комитетини ва шаҳар партия комитетининг саноат бўлимини танқид қилади ва шаҳар аҳолисининг ихтиёрида бўлган чорва моллар ва паррандаларни кўпайтириш, корхона ва муассасаларнинг ёрдамчи хўжаликларини мустаҳкамлаш юзасидан бирқанча тадбирларни таклиф этади. Ўртоқ Сергеева шаҳар партия комитети ёрдамчи хўжаликларнинг ишларига қизиқмай қўйганини уқтириб ўтади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари Ўртоқ **Белюнов** ўз нутқида милиция органларининг ишларига тўхталиб ўтди. У, милиция органлари социалистик қонунчиликни бузучиларга қарши ҳали ҳам етарли даражада актив кураш олиб бормаётганликларини э'тироф этиб, яқин вақтлар ичида кўриладиган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

Ўртоқ Белюнов прокуратура ва суд органларининг ба'зиларини социалистик қонунчиликни бузаётган шахсларга нисбатан либералларча қараётганликлари учун танқид қилди. У, партия ташкилотлари милициянинг ишларига бўш ёрдам бераётганликларини ҳам кўрсатди.

«Таштекстильмаш» заводи қуюв цехи партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Агапов** қуючилар коллективида олиб борилаётган партия ишлари тажрибаси блан Ўртоқлашди. Цехда 50 коммунист бор. Бу коммунистлар ишлабчиқаришдаги барча участкаларга тақсимланганлиги натижасида, бу участкаларда партия ташкилотининг та'сири кучайди. Партия бюроси ҳар ойнинг бошида бригададаги коммунистлар, партия группалари ташкилотчилари, агитаторларнинг йиғилишини ўтказиб, цех коллективи олдига қўйилган вазифаларни тушунтириб беради. Партия бюроси активга таяниб, бутун коллективни ишлабчиқариш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли суратда бажаришга сафарбар қилмоқда. Цех коллективи 1954 йил планини ялпи маҳсулот жиҳатидан ҳам, товар маҳсулоти жиҳотидан ҳам 102 процент бажарди.

Партия ташкилоти ма'муриятнинг хўжалик фаолиятини конкрет равишда контроль қилабошлади. Бу чора яхши натижалар берди. Бир вақтлар пахта брак маҳсулот кўп чиқарилар эди. Коммунистларнинг ташаббуси блан партия-техника конференцияси ўтказилди. Конференция қатнашчилари кўпгина муҳим амалий таклифларни киритдилар. Бу таклифларнинг амалга оширилиши бракнинг кескин суратда камайтирилишига имкон берди.

Завод олдида турган янги вазифалар корхонани реконструкция қилишни талаб этаётганлигини кўрсатиб, Ўртоқ Агапов техника жиҳатидан реконструкциялашни театлатиш ҳақида кўп марта талаб қўйилганига қарамай, министрлик бу масалани ҳал этмай келаётганини уқириб ўтади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети заводни техника жиҳатдан реконструкция қилишга эришмоқлари лозим. Заводнинг ҳозирги техника даражаси маҳсулотнинг янги турларини муваффақиятли суратда ўзлаштиришни ва ишлабчиқаришни қийинлаштирмоқда.

Тошкент соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Ўртоқ **Шомирзаев** сўз олади. У, партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашлар соғлиғи тўғрисида кўрсатаётган оталарча гамхўрлиги ҳақида гапиради. Кейинги беш йил мобайнида Тошкентда соғлиқни сақлаш ишларига чиқарилган маблағ кўпайди, врачлар сони ва касалхоналардаги ўринлар сони анча ортди. Аҳолига медицина хизматининг сифати анча яхшиланди.

— Аммо, — дейди Ўртоқ Шомирзаев, — бизнинг ишимизда кўпгина камчилик ва хатолар ҳам бор. Айрим медицина ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик блан қарамоқдалар.

Медицина ходимлари ўртасида тарбиявий ишларнинг қониқарсиз олиб борилаётганлиги бундай нуқсонларнинг рўй беришига кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда. Шаҳар партия комитети, район партия комитетилари даволаш муассасаларидаги бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни кучайтиришлари лозим.

Сўнгра Ўртоқ Шомирзаев шаҳарда даволаш-профилактика муассасаларининг биртекис жойлаштирилмаганлиги ва хусусан Фрунзе районида бундай муассасаларнинг камлиги жиддий камчилик эканлигини айтади. Фрунзе районида поликлиникали касалхона қуриш учун смета-техника ҳужжатлари тузилиб, ер участкаси ажратиб берилганлигига икки йил бўлди. Республика Министрлар Совети Соғлиқни сақлаш министри Ўртоқ Соатовга ана шу касалхонани қурдириш мажбуриятини юклаган эди. Аммо шу вақттача бу иш бошланган эмас. Тўғруҳоналар қурилиши жуда суст бормоқда. Партия ташкилотлари соғлиқни сақлаш, шаҳар санитарияси масалалари блан кун сайин шуғулланишлари, болалар муассасалари ва шифохоналар қурилишини қаттиқ контроль қилиб туришлари керак.

Шундан кейин конференцияда Ўртоқ **Белий** мандат комиссиясининг ҳисобот докладини қилди. Конференция мандат комиссиясининг докладини тасдиқлади.

22 февральдаги мажлис

Тошкент темир йўл бўлими сиёсий бўлимининг бошлиғи Ўртоқ **Мангельдин** биринчи бўлиб сўз олди. У, сиёсий бўлим ва партия ташкилоти ўзининг асосий э'тиборини бошланғич партия ва комсомол ташкилотларини янада мустаҳкамлашга, темирйўлчилар ўртасида сиёсий ва тарбиявий ишларни яхшилашга, уларнинг ролини оширишга қаратганлигини та'кидлайди.

Кўп иш қилинди. Лекин шундай бўлса ҳам, бўлимнинг ишларида ҳали жиддий камчиликлар бор. Бошланғич партия ташкилотлари ма'муриятнинг хўжалик фаолиятини етарли даражада контроль қилмаётир. Сиёсий бўлим партиявий-сиёсий ва ташкилий-партиявий ишларни яхши йўлга қўйиш учун кўпинча амалий тадбирлар кўрмаётир.

Сўнгра Ўртоқ Мангельдин Сталин номли тўқимачилик комбинати, Каганович номли завод, «Ташкентканбель» заводи ва бошқа бирқанча корхоналарнинг раҳбарларини транспорт цехларининг ишларига қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликлари учун қаттиқ танқид қилади. Ана шу корхоналарга кирадиган йўллар тузатилган эмас. Бу ҳол вагонларнинг бекор туриши ва вагон оборотининг камайишига, корхоналарнинг кўп миқдорда штраф тўлашига сабаб бўлади. Сталин номли тўқимачилик комбинатининг бир ўзигина ўтган йили 700 минг сўмдан ортиқ штраф тўлади.

— Министрликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари, — дейди Ўртоқ Мангельдин,— темир йўл хўжалигига раҳбарлик қилиш услуби ва методларини тубдан ўзгартиришлари керак.

Шундан кейин Ўртоқ Мангельдин айтдики, Тошкент шаҳар партия комитетининг саноат-транспорт бўлими транспорт ишлари блан ҳеч шуғулланмоқда, темир йўлдаги хўжалик ташкилотлари ва партия ташкилотларининг, шаҳар корхоналари транспорт цехларининг ишларидаги камчиликларга нималар сабаб бўлаётганлигини чуқур ва жиддий суратда ўрганмаётир. Ўртоқ Мангельдин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг темир йўлга яқин территорияларни обод қилиш тўғрисидаги қарорини бажармаётганлари учун Тошкент шаҳар ижроия комитетини, Фрунзе, Ленин, Куйбишев ва Киров район Советларини танқид қилади.

Қурилиш трестининг бошқаручиси Ўртоқ **Полатаев** ўз нутқида шаҳардаги қурилиш ташкилотларининг ишларига тўхталиб ўтди. У, шаҳардаги қурилиш ишларида ба'зи муваффақиятлар борлигини айтиб, қурилиш трестининг, қурилишмонтаж бошқармаларининг ва ишлабчиқариш корхоналарининг фаолиятида ҳали кўп камчиликлар борлигини уқириб ўтади. Саноат қурилишида ва айниқса уй-жой, майший муассасалар қурилишида темирбетон конструкциялари суст жорий қилинмоқда. Маҳаллий бинокорлик материалларидан етарли даражада фойдаланилмаётир. Бунинг учун проект ташкилотлари — Узгоспроект ва Ташгорпроект ҳам айбдидир. Бу ташкилотлар қурилишларни темирбетон конструкциялари проектлари блан та'миналаш масаласини суст ҳал этмоқдалар.

Сўнгра Ўртоқ Полатаев шаҳарда ўзбошимчалик блан қўшимча бинолар қуриш каби ҳоллар кўплигини, шаҳар ва район ижроия комитетлари эса бу ҳолга келишмовчилик блан йўл қўйиб келаётганликларини айтди.

Тошкент шаҳар ҳалқ маорифи бўлимининг мудири Ўртоқ **Тожиев** ҳалқ маорифи масалаларига тўхталиб ўтди. Шаҳарда ги мактабларда ўқувчилар сони, шунингдек 10-нчи синфларни тамомлаб чиқувчиларнинг сони йил сайин кўпаймоқда, мактаб шоҳобчалари ва мактабгача тарбия муассасалари кенгайтирилмоқда.

Аммо, — дейди Ўртоқ Тожиев, — ҳалқ маорифини уюштиришда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Ўқув-тарбия ишларининг сифати кескин суратда яхшиланган эмас, дарслардан улгурмовчи ўқувчиларнинг сони ҳануз кўп, ўқувчиларнинг мактабдан кетиб қолишлари каби ярамас ҳолларга барҳам берилмаган. Ўқувчиларнинг дарслардан улгурмасликларига бирқанча ўқитувчилар малакасининг пастлиги сабаб бўлмоқда.

Ўртоқ Тожиев Маориф министрлигини политехника та'лимини уюштиришда амалий ёрдам бермаётганлиги учун танқид қилади.

Тўқимачилик институти партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Худновский** ўз сўзида студентларнинг марксизм-ленинизм назариясини эгаллашларида ҳали кўп камчиликлар борлигини айтади. Институт дарсқиласи ва партия ташкилоти марксизм-ленинизм фанини ўқитишда формализм, догматизм ва қироатхонлик элементларини ҳали тамомила йўқотаолмадилар.

Фрунзе район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Гуломов** ўз сўзида район саноати 1954 йилги давлат планини муваффақиятли бажарганлигини айтади. Райондаги корхоналарда меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ошмоқ

Ерларни чигит экишга сифатли тайёрлайлик!

☆

Партия ва Ҳукуматимиз совет халқини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари блан мўл-кўл та'минлаш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Областимизда суғорилмай ётган ерларга сув чиқариш ишлари қизитиб юборилди. Ўртачирчиқ районида қурилаётган Туябўғиз сув омборида шу кунларда иш кучайиб кетди. Бу омбор битказилиб ишга туширилса, областимизнинг бирқанча районлари сув блан тўла та'минланади. Қуручилар шу кунларда сайловолди мусобақасини кенгайтириб, берилган топшириқларни тўла ва ошириб бажариш учун курашмоқдалар. **Суратда:** Туябўғиз сув омборининг бош плотинаси.

А. Аверьянов фотоси.

☆



2-нчи „Боёвут" совхозида кўкламга тайёрлик қониқарсиз аҳволда

Бу йилги қиш одатдагидек совуқ бўлмади, илиқ келди. Лекин мана шу қулай шароитдан ҳамма жойда ҳам бирдек фойдаланилмаётир. Буни айниқса 2-нчи «Боёвут» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. Мана, ҳали ғўзапоялардан тозаланмаган далалар. Шу ҳилдаги карталарнинг бирига плуг тиркалган дизель трактори эндигина яқинлашмоқда. Трактор қартага йўл олди ва ерни ҳайдайбошлади. Ғўзапоялар эса ҳайдалаётган ернинг тупроғи остида кўмилиб қолмоқда. Бундай агротехникага қилоф иш 2-нчи «Боёвут» совхозининг ўртоқ Каттахўжаев бошлиқ бўлимида қилинмоқда эди.

— Нима қилайлик, ерни бу хилда ҳайдамаслиқ кераклигини ўзимиз ҳам яхши тушунамиз,—дейди тракторчи ўртоқ Абдуллаев.—бўлим бошлиғи ўртоқ Каттахўжаев кўярда-кўймай: «Ҳайдайверингилар, мен жавоб бераман» деб бизни мажбур қилмоқда. Мана ўзларинг ҳам кўриб турибсизлар,—дейди тракторчи сўзида давом қилиб,—чигит экиладиган ерга шундай муносабатда бўлиш яхшими? Бундай ишнинг охири нима бўлар эди. Бунинг устига мана шу ерларга чигит янги усулда экилади-я. ғўзалар машина блан ягана қилиниб, узунасига-кўндаланига ишланади. Бу аҳвол тузатилмаса, яганалаш вақтида тракторнинг иш органлари ернинг тагига кўмилиб қолган ғўзапояларга илиниб ғўза кўчатларини нобуд қилиш мумкин. Бизда ишга мана шунака мас'улиятсизлик блан қарайдилар...

Яқинда бу ерда республика совхозлар министрлиги деҳқончилик ишлари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Курочкин бўлди. У. ғўзапоялардан тозаланмаган ерларни ҳайдалаётганини ўз кўзи блан кўрса-да, лекин у на совхоз бош агрономи ўртоқ Абраменкога, на бўлим бошлиғи ўртоқ Каттахўжаевга бир нима демасдан қайтиб кетаберди.

2-нчи «Боёвут» совхозида кўклам экиш кампаниясита тайёргарлик ишлари шу тарика қониқарсиз олиб борилмоқда. Ҳайдов тракторларининг кўпчилиги ҳали ремонтдан чиқарилмаган. Ремонтдан чиқарилган кўпчилик тракторлар ҳам уларда техника етишмовчиликлар борлиги ёки тайёр ер бўлмаганлиги туфайли унумли ишламаётир. Ваҳоланки, совхоз бўйича ҳали 800 гектардан ортиқ ер ҳайдалмасдан турибди.

Бу ерда техникани янги усулда ишлашга мослаштириш ишлари ҳам ёмон ташкил қилинган.

Ма'лумки, чигитни янги усулда экишни муваффақиятли ўтказилиши механизатор кадрлар, совхоз ишчиларининг янги шароитларда ишлашни нақалар яхши билишларига боғлиқ. Афсуски, 2-нчи «Боёвут» совхозида бу муҳим ишга ўтакетган даражада совуққонлик блан қаралмоқда. Бу ерда тракторчи кадрлар ва сеялкачиларни ўқитишга ҳануз киришилмаган.

Шуни айтиш керакки, 2-нчи «Боёвут» совхози ва унинг директори ўртоқ Бочкарев тўғрисида бунга қадар ҳам жуда кўп гаплар бўлди. Бу совхоз 6 йилдан бери қаҳта тайёрлаш давлат планини бажараолмаётир. Буни Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигидаги ўртоқлар ҳам яхши биладилар.

Совхозда пахтачиликни ривожлантириш ёмон аҳволда бораётганлигига биринчи навбатда совхоз директори ўртоқ Бочкарев шахсан айбдидир. У, совхозда ҳар йили ҳам ишнинг сурилиб кетишига ва шунинг натижасида ҳосилнинг камайишига йўл қўйиб келмоқда. Ўртоқ Бочкарев далада кам бўлади, тракторчилар, ишчилар аҳволидан мутлақо хабар олмайди.

Шу қарса ачинарликкки, совхозда бу йил ҳам мўл ҳосил учун замин тайёрлаш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Ҳозиргача ўнлаб гектар ердаги ғўзапоя юлиб олинмаган. У ерларни ғўзапоядан тозалаш ва кетма-кет ўғитлаб ҳайдаш графиги бажарилмаётир. Совхоз сводкасида 99 процент ердаги ғўзапоя юлиб олинди, деб кўрсатилган бўлса ҳам, бу ҳақиқатга сра тўғри келмайди. Агар бўлимларда бўлсангиз, ғўзапояси олинмаган ерларни кўплаб кўрасиз.

2-нчи «Боёвут» совхози шароитида ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш гоят катта аҳамиятга эгадир. Буни совхоз раҳбарлари жуда яхши биладилар, лекин улар ана шу муҳим шартни бажариш соҳасида оператив иш олиб бормаётирлар. Ҳозиргача пландаги 50367 кубометр ўрнига, энди 9033 кубометр ердаги ирригация тармоқлари тозаланган, холос. Агар совхозда бу муҳим агротехника воситаси ўз вақтида амалга оширилмаса, биринчидан ер яхши етилмайди ва натижада чигит экиш кечикиб кетади. Оқибатда эса совхоз бу йил ҳам бултургидагига ўхшаш ғўзанинг нормал ўсишига эришаолмайди.

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги 2-нчи «Боёвут» совхозидаги аҳволни тузатиш учун шошилинч чора кўриши ва совхоз директори ўртоқ Бочкаревнинг пахтачиликни ривожлантиришга бўлган ҳатти ҳаракатини кескин муҳокама қилиши керак.

Қ. АҲМЕДОВ,
У. ЖОНГИТОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Илғор пахтакор бошлиқ звенода

Абдували Топматовни районда ҳамма танийди ва уни ҳурматлайди. Абдували ота Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз а'зоси. У 85 ёшга кирган бўлса ҳам, ҳали тетик ва бардам. Ота бошлиқ звено а'золари ўтган йили фидоқорона меҳнат қилиб, 12 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олдилар, пахта тайёрлаш планини 106 процент бажардилар.

Звено а'золари Абдували отанинг маслаҳати блан пахта майдонларини 20 гектарга етказдилар. Улар бу йил ҳар гектар ердан 75 центнердан ҳосил етиштириш учун ўз зиммаларига социалистик мажбурият олдилар. Ҳозир ҳамма ерлар сифатли қўлиб ҳайдаб қўйилди, далага кўплаб маҳаллий ўғит чиқарилмоқда.

Звенода ирригация-мелиорация ишлари ҳам намунали ўтказилаётир, ариқ-зовурлар тозаланиб, ерлар чигитни янги, прогрессив усулда экиш учун мослаштирилмоқда.

Қ. АБДУРАҲМОНОВ,
Т. МАНБЕТОВ.

Совет ҳукуматининг 18 февральдаги Баёноти тўғрисида чет элларда баён қилинган фикрлар

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

ПЕКИН, 20 февраль. (ТАСС). Бугун ҳамма марказий газеталар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетининг яқинда иш бошлаши муносабати блан Совет ҳукумати чиқарган Баёнотнинг тўла текстини катта сарлавҳалар остида биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар. «Женьминьжибао» газетаси бу Баёнотни «Совет Иттифоқи барча давлатларга атом ва водород қуролларининг мавжуд запасларини бутунлай йўқ қилишни, қуралли кучларни камайтиришни ва қурол-яроғларни ялпи камайтириш юзасидан жаҳон конференцияси чақиришни таклиф қилди» деган сарлавҳа остида э'лон қилди.

Совет ҳукумати Баёнотининг тексти кеча ва бугун Хитой Халқ Республикаси марказий радиостанцияси томонидан эшитдирилди.

ПОЛЬША

ВАРШАВА, 20 февраль. (ТАСС). Польшадаги марказий газеталар Совет ҳукуматининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитети яқинда иш бошлаши муносабати блан чиқарган Баёнотни катта сарлавҳалар остида биринчи саҳифаларда э'лон қилдилар. «Трибуна люду» газетаси Совет ҳукуматининг Баёнотини «Атом ва водород бомбаларининг запаслари йўқотилсин. Қуролли кучлар ва ҳарбий бюджетлар кўпайтирилмасин!» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

«Жиче Варшави» газетаси ўз сарлавҳасида уқтириб ўтадики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қурол-яроғларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласи юзасидан бу йил жаҳон конференцияси чақириши лозим. Совет ҳукуматининг муҳим таклифлари, деб ёзади газета халқларнинг манфаатларига жавоб беради.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

БЕРЛИН, 20 февраль. (ТАСС). БМТ Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетининг яқинда иш бошлаши муносабати блан Совет ҳукумати чиқарган Баёнот бугунги демократик газеталарнинг диққат марказида турипти.

«Берлинер цайтунг», «Дер морген», «Нейс цейт», «Национал-цейтунг» газеталари ва бошқа газеталар Совет ҳукумати Баёнотининг мазмунини катта сарлавҳалар остида ва кўзга кўринарли ўринларда босиб чиқардилар.

«Нейс дейчланд» газетаси Совет ҳукумати Баёнотининг тўла текстини э'лон қилиб, бу боёнот яна бир марта исботламоқдаки, Совет Иттифоқи бундан илгариги вақтдагидек ҳозир ҳам қурол-яроғларни анча камайтиришни, атом ва водород қуролини, шунингдек бошқа ҳамма ялпи қирғин воситаларини тақиқлашни қат'ий равишда қувватлаб чиқаётир, деб уқтириб ўтмоқда. Бундан ташқари, деб ёзади газета, Совет Иттифоқи атом қуролини тақиқлаш ва қурол-яроғларни ҳамда қуролли кучларнинг сонини камайтириш ҳақидаги қарорларни ҳамма давлатларнинг бажариши устидан эффектив халқаро контроль ташкил этишни таклиф этмоқда.

Афсуски, деб ёзади газета, Совет Иттифоқининг атом қуролини сўзсиз тақиқлашга қаратилган таклифлари Қўшма Штатлар, Буюк Британия ва бошқа ғарбий давлатлар томонидан доимо рад этилиб келмоқда, шунинг натижасида бу гоят муҳим масала юзасидан ҳозиргача битим тузилган эмас.

Бироқ кейинги вақтда, деб ёзади «Нейес дейчланд» газетаси, жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари атом ва водород бомбаларининг мавжуд запасларини йўқотишни борган сари қаттиқ талаб қилмоқдалар, улар атом ва водород қуролларини тамомила тақиқлашни ҳамда бу қуролларни барча давлатларнинг қурол-яроғлари қаторидан чиқариб ташлашни талаб қилмоқдалар. Шу сабабдан, деб уқтириб ўтади ўз мақоласининг охирида газета, Совет ҳукуматининг таклифлари барча тинчликсевар халқларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб беради. Атом қуролини ва бошқа ялпи қирғин воситаларини тақиқлаш вазифасини ҳал этишда қатнашишдан брон давлат ҳам четда қолмаслиги лозим.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА, 20 февраль. (ТАСС). Совет ҳукуматининг БМТ Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитети яқинда иш бошлаши муносабати блан чиқарган Баёноти ҳамма йирик газеталарнинг диққат марказида турипти. «Руде право» «Праце», «Земедельске новини», «Обрана лиду» газеталари Совет ҳукумати Баёнотининг тўла текстини энг кўзга кўринарли ўринда э'лон қилдилар.

«Руде право» газетаси, Совет ҳукумати ўзининг 18 февральдаги Баёнотида қилган таклифларини шарҳлаб, бундай деб ёзади: Агар биз, Совет ҳукуматининг янги Баёнотини ва унинг таклифларини бутун прогрессив инсоният тўла қўллаб-қувватламоқда, деб айтсак, ҳарбир софдил, тинчликсевар кишининг фикрини изҳор қилган бўламиз.

Совет ҳукуматининг Баёноти, — деб ёзади «Руде право» газетаси, агрессив доираларнинг жиноий ниятларини фош қилмоқда, Совет ҳукуматининг Баёноти СССР Олий Совети кейинги сессиясининг бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қарорлари блан чамбарчас боғлангандир.

Совет таклифлари, деб ёзади ўз мақоласининг охирида «Руде право» газетаси, тинчлик йўлини, икки системанинг узоқ вақт тотув яшаши йўлини кўрсатади. Бу таклифлар БМТ Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитетидаги музокаралар учун ва унинг қарорлари учун асос бўлмоғи лозим. БМТнинг бу органи ана шундай қилгандагина БМТ Уставида белгиланган вазифаларни ҳал қилаолиши мумкин.

НОРВЕГИЯ

ОСЛО, 19 февраль. (ТАСС). Норвегиядаги ҳамма газеталар бугун Совет ҳукуматининг БМТ Қуролсизланиш Комиссияси Кичик Комитети яқинда иш бошлаши муносабати блан чиқарган Баёнотининг мазмунини э'лон қилдилар. Газеталар давлатларнинг ўз қўлларидаги атом ва водород қуролларининг мавжуд запасларини бутунлай йўқ қилиш, атом материалларидан нуқул тинч мақсадларда фойдаланиш ҳақида, шунингдек қуролли кучлар сонини ва қурол-яроғлар миқдорини 1955 йил 1 январьдаги даражага нисбатан кўпайтирмаслик мажбуриятини олиш ҳақида Совет Иттифоқи қилган таклифларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқдалар.

«Фрихетен» газетаси Совет ҳукумати Баёнотининг мазмунини «Атом қуролининг ҳамма омборлари йўқотилсин ва зўр бериб қуролланиш тўхтатилсин. Қуролсизланиш йўлида Совет Иттифоқининг янги ташаббуси» деган сарлавҳа остида э'лон қилди.

«Моргенпостен» газетаси ўз сарлавҳасида «СССР ҳамма атом бомбаларини йўқотишни таклиф этмоқда. Қуролсизланиш ҳақида Москванинг янги таклифи» деб ёзмоқда.

ХИТОЙДА ПУЛ ИСЛОҲАТИ

ПЕКИН, 21 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: ХХР Давлат Кенгаши 1955 йил 1 мартдан бошлаб Хитойнинг бутун территориясида пул ислоҳати ўтказишга қарор қилди.

Қиймати 5 минг юаньдан юқори бўлган ҳамма банкнотлар 1 мартдан 30 апрельгача бўлган даврда 10.000:1 ҳисоби блан янги банкнотларга алмаштирилади; майда банкнотларни алмаштириш муддатини халқ банки кейинроқ белгилайди.

Янги пуллар жорий қилишдан мақсад— дейилади қарорда, — пул муомаласи ва ҳисобини осонлаштириш ниятида Хитойда пул системасини яхшилашдан иборатдир.

Чанкайшичилар самолёти уриб туширилди

ПЕКИН, 21 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабарига қараганда, кеча Хитой Халқ-Озодлик армиясининг зенит қисмлари Чжэцзян вилояти қирғоғидаги Тайшань оролига ҳужум қилган чанкайшичи самолётлар группасидан биттасини уриб туширганлар ва биттасига шикаст етказганлар.

ХХРда Америка жосуслари группаси устидан ҳукм

ШАНХАЙ, 21 февраль. (ТАСС). «Дачжунжибао» газетаси қуйидагиларни билдирди: Яқинда Шаньдун вилояти халқ суди америка-чанкайшичи жосусларнинг бир группаси иши юзасидан ҳукм чиқарди. Жосуслардан икки киши ўлим жазосига, иккитаси умрбод тюрьма жазосига, биттаси 5 йил муддат блан тюрьма жазосига ҳукм қилинди.

Дамашқда Туркия-Ироқ битимига қарши норозиликлар

НЬЮ-ЙОРК, 21 февраль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабарига қараганда, кеча Дамашқдаги ўрта мактабларнинг ўқучиларидан 8.000 га яқин киши мўлжалланаётган Туркия-Ироқ ҳарбий шартномасига қарши норозилик билдириш юзасидан ўқишни тўхтатган.

Шаҳарнинг студентлари ҳам бу шартномага қарши норозилик билдириш юзасидан Дамашқ кўчаларида намойиш ўтказганлар.

Франсияда ҳукумат кризиси

ПАРИЖ, 21 февраль. (ТАСС). Бугун Франсияда ҳукумат кризиси бошланганига 17 кун бўлди. Ҳукумат бошлиғи мансабига кўрсатилган тўртинчи кандидат Эдгар Фор музокараларини давом этдирмоқда ва ҳали президентнинг ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифига узил-кесил жавоб бергани йўқ. Форнинг айтишига қараганда, у «жуда кенг миллий иттифоқ» ҳукумати тузмоқчи. Шу мақсадда Фор Франция парламентидаги ҳамма ўнг гуруҳларга мурожаат қилиб, «кенг программа» асосида уларни бирлаштиришга интилмоқда.

Форнинг кеча олиб борган музокаралари шуни кўрсатадики, у ҳукуматда қатнашучи кўпчилик доирасига ҳамма ўнг партияларнинг вакилларини жалб қилиш ниятидадир. У кеча кун бўйи радикалларнинг вакилларини, МРП, «мустақил республикачилар», «социал республикачилар», «деҳқонлар партияси», шунингдек социалистлар вакилларини қабул қилди.

Матбуотнинг хабар беришича, Фор кандидатурасини парламентдаги ўнг қанотнинг арбобларидан бири «мустақил республикачи» Поль Рейно қўллаб-қувватламоқда.

Бугун Эдгар Фор социалистик партия делегациясини қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорида колхоз, совхоз ва бутун қишлоқ хўжалик органлари олдига чорвачиликни етарли ем-хашак блан та'мин этиш учун ўт-бедалар ҳосилини ошириш вазифаси қўйилган.

Бедачиликни ривожлантиришга э'тибор берилсин

Беда хўжалигини яхшиламасдан, унинг ҳосилини кескин суратда оширмасдан туриб жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш мумкин эмас. Областимиздаги кўпгина колхозларда бедачилик хўжалиги ёмон аҳволдалиги ва беда ҳосилининг камайиб кетиши чорвачиликни сust ривожланишига ва унинг маҳсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Беда экинларини тўғри ва яхши парвариш қилиб келаётган илғор колхозлар ҳосилни ошириб, чорвачиликни ривожлантиришдаги қолоқликни бартараф қилаётирлар. Масалан, Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхози ҳар гектар ердан 100 центнердан ошириб беда ўриб олмоқда. Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз а'золари ҳам бедачилик хўжалигини тўғри йўлга қўйиб, ҳар гектар ердан муттасил 90—100 центнердан ҳосил олиб, чорва молларини юқори сифатли озуқа блан та'мин этмоқдалар. Натижада бу колхозда кейинги йилларда сигирларнинг маҳсулдорлиги 3 баравардан ҳам ошиб кетди.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида беда ғўзанинг асосий ва бирдан-бир йўлдошидир. Беда ерни азот блан бойитади ва тупроқни физик хоссасини яхшилайди. Беда ўсиб турган йилларда у ерда жуда кўп миқдорда илдиз ҳосил қилади. Беда бузилгандан кейин тупроқда чиринди кўпаяди ва бу тупроқнинг структурасини яхшилайди. Бедадан бўшаган ерга биринчи ва ундан кейинги йилларда чигит экилса мўл пахта ҳосили етишади. Колхозларнинг кенг ишлабчиқариш даражасида ўтказилган тажрибаси бузилган беда ўрнида пахта ҳосилининг 40—60 процент ва ундан ҳам кўп ошганлигини кўрсатмоқда.

Пискент, Ўртачирчиқ ва бошқа бирқанча районларда беда экинини парвариш қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Бу колхозларда алмашлаб экишга етарли баҳо берилмай келинмоқда. Шунинг учун ҳам бу районларда давлат пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолмоқда ва ҳатто пахта ҳосили ўтган йилларгидан ҳам камайиб кетмоқда.

Беданинг мелиоратив аҳамияти ҳам бор. У, тупроқ шўрлигини йўқотишга қатта ёрдам беради, шу блан бирга ғўзанинг энг ёмон касалликларидан бўлган вильтга қарши курашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бедани оммавий равишда экишга саноқли кунлар қолди. Лекин шунга қарамасдан, областимизнинг кўпгина колхозларида беда экишга пухта тайёргарлик кўрилмаётир. Бу беда экиш планининг бажарилмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Оржоникидзе, Пискент ва Мирзачўл районларидаги МТСлар ўзларига келтирилган уруг тозалайдиган электромагнит машиналарини ҳалигача ишлатмаганлар. Бу МТСлар раҳбарларининг айби блан колхозчилар ўзларидаги уруғни тозалаш учун узоқ йўл босиб бошқа районлардаги пунктларга боришга мажбур бўлмоқдалар.

Кўпчилик районларда беда экиладиган ерлар ҳалигача аниқланиб, ажратилмаган. Бунинг устига ерни беда экиш учун тайёрлашга қулай бўлган ҳозирги кунларда ҳечқандай иш қилинмаётир. Эски бедапояларни парвариш қилиш юзасидан эрта кўкламда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тадбирлар ҳам қолиб кетмоқда. Ҳолбуки, эски бедапоялар шу кунларда бороналаниши, ўғитланиши ва питономус кўнгизига қарши гексахлоран блан дориланиши керак.

Маҳаллий партия, Совет ташкилотлари, МТСларнинг раҳбарлари, агроном ва ходимлари беда экишга тайёргарликни дарҳол қизитиб юборишлари, биринчи навбатда колхозлардаги конденцион бўлмаган беда уруғларини МТС ва Заготзернолардаги тозалаш пунктларига келтириб тозалашни та'мин этишлари керак.

Яқин кунлар ичида беда экиладиган ерлар ажратилиши ва уруг сепиш учун тайёрланиш лозим. Бедага ер ажратишда, колхозлари алмашлаб экиш планига риоя қилиниши зарур.

Уруғни қийғос ундириб олиш ва кейиндан беда ҳосилини ошириш учун ерни экишга яхши тайёрлаш ва эрта кўкламда барвақт экиб олиш керак. Агар ер яхши тайёрланмаса, уруг энг қулай муддатда экилмаса, беданинг фақат сийрак бўлишигина эмас ҳатто унинг нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Беда экиладиган ер кузда шудгор қилинган бўлса эрта кўкламда бороналаниб ва мола бостирилиб уруг экилаверади. Агар шудгор ўтириб қолган бўлса уни чизель ёки культиватор блан юмшатиш, кейиндан борона, мола бостириб уруғни экиш керак. Агар ер кузда шудгор қилинмаган бўлса ҳозирги кунда албатта ҳайдалиши шарт.

Бедадан мўл ҳосил етиштириш учун ерни ҳайдаш ёки чизельлашдан олдин ҳар гектар ерга камида 300 килограммдан суперфосфат, шўрхок ерларга эса 100—200 килограммдан калий ўғити солиш зарур. Ер кузда ўғитланмасдан шудгор қилинган бўлса уни экиш олдидан ўғитлаш керак. Бу ҳолда ўғит нормаси бирмунча камайтирилади.

Беда экиладиган ер яхшилаб текислениши лозим. Шундагина уруг бирхилда кўмилади ҳамда бедани қондириб суғориш қулайлиги туғилади. Шўрхок ерлар беда экишдан олдин тозалаб ювилиши зарур.

Беда экишнинг энг қулай вақти февральнинг иккинчи ва мартнинг биринчи ярми ҳисобланади. Шу маҳалда экилган уруг табиий нам кўп бўлган ерга тушади, тез ниб чиқади ва бедаси яхши ривожланади. Беда эрта экилганда тез кўкариб чиқиб кейиндан кўпгина бегона ўтларнинг кўпайиб кетишига ҳам йўл қўймайди.

Беда уругини сепишдан олдин унга нитроген юқтириш керак. Бу тадбир беда ҳосилини оширади. Уругга нитрогенни қуёш нури тушмайдиган соя жойларда юқтириш керак. Нитроген юқтирилган уругни машина блан эртадан кечгача экавериш мумкин.

Бедани машина блан экиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Бунда уруг тежалади, даланинг ҳамма жойига текис тушиб тўғри кўмилади. Бундан ташқари меҳнат ҳам тежалиб, беданинг қисқа вақт ичида экиб олиш мумкин бўлади.

Областимизнинг барча МТСларида ҳам етарли миқдорда беда ва дон сеялкалари бор. Лекин шунга қарамасдан ўтган йил кўп колхозларда беда қўлда сепилди. Бу эса беда экишнинг чўзилиб кетишига ва ҳатто планнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлди. Беда экиш учун биринчи навбатда ўт-дон сеялкаларидан фойдаланиш керак. Бундан ташқари ғалтакли экиш аппарати бўлган барча дон сеялкаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Беда экишда сеялкани уруғни белгиланган нормада экишга ва кўмишга созлаш муҳим шартлардан ҳисобланади. Сошникнинг чуқурловчи пружинасини шундай тўғрилаш керакки, натижада уруг ортиқча сарфланмасин ва у икки-уч сантиметр чуқурликка кўмилсин.

Бедани экиб бўлгандан кейин тўрт-олти сантиметр чуқурликда саёз эгатлар очиш керак. Агар ёғингарчиликдан кейин қатқалоқ пайдо бўлиб қолса, шу эгатлар орқали сув қўйиб заҳлатиш йўли блан қатқалоқ юмшатилади.

Бедани нуқул ўзини экишдан ташқари унга қўшиб арпа, сули экиш ҳам мумкин. Бунда беда блан қўшиб ўрилган арпа ячиб дон қилинади, сули эса хашак қилинади. Бедага қўшиладиган арпа ёки сули уруғи қирқ килограммдан ошмаслиги керак.

Кўпгина колхозларда ўти сийрак бўлиб қолган эски бедапоялар ҳам бор. Бу бедапояларнинг ҳосилини ошириш учун эрта кўкламда сийрак бўлиб қолган жойларни чизельлаш ва ундан кейин борона бостириб сули, арпа ҳамда бошқа дон экинлари экиш лозим. Бунда кўпўримли райграс ва бошқа баҳори ўтлар ҳам экиш мумкин. Сийрак жойларга беда уруғи сепиш тавсия қилинмайди. Акс ҳолда эски беда пайдо бўладиган фитоном кўнгизи беда майсаларини нобуд қилади.

Областимиз колхозлари бедани ўз вақтида экиб давлат планини бажариш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Район партия, совет ташкилотлари, МТС ва колхоз раҳбарлари бедачиликка етарли баҳо бермаслик ҳолларига мутлақо йўл қўймасликлари ва бу ишдаги барча камчиликларни бартараф қилишлари керак.

Бедани ўз вақтида экиш, эски ва янги бедаларни қунт блан парвариш қилиш яқин йиллар ичида колхозларимизда жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш имкониятини беради.

О. МИХАЙЛОВСКИЙ.

Шанхай аҳолисининг ярмидан кўпроғи Вена Мурожаатига қўл қўйди

ШАНХАЙ, 21 февраль. (ТАСС). «Пэйфанжибао» газетаси билдиради: Кейинги олти кун ичида Шанхай аҳолисининг ярмидан кўпроғи, я'ни 3 миллион 357 минг киши атом уруши тайёргарлигига қарши чиқарилган Вена Мурожаатига қўл қўйди.

—✦—

Шашка бўйича Тошкент биринчилиги учун

Темирйўлчилар Маданият саройида Тошкент биринчилиги учун шашка бўйича мусобақа бошланди. Мусобақа қатнашчилари орасида мастерликка кандидатлардан В. Александров, И. Гавриленко, С. Гуляев, Е. Черкасский, А. Грязнов, биринчи разрядлилардан В. Косяковский, Ф. Ҳасанов, Б. Темиров, У. Бегжанов, Л. Кац каби шашкачилар бор.

Бу ерда икки йўин бўлди. Биринчи даврада Б. Темиров В. Косяковскийни, С. Гуляев эса С. Давидовни ютди. Л. Кац блан В. Яковлев ўртасидаги ўйин дуранг бўлди. Мастерликка кандидат Е. Черкасский У. Бегжонов устидан галаба қозонди. Ф. Ҳасанов блан Л. Шварц ва А. Грязнов блан И. Гавриленколар ўртасидаги ўйин дуранг бўлди.

Иккинчи даврада В. Яковлев Б. Темиров блан учрашди. У яхши ўйнаб Темировни ютишга муяссар бўлди. Александров блан Косяковский, Гуляев блан Бегжонов, Черкасский блан Л. Кац ўрталаридаги ўйин дуранг бўлиб тугади.

Иккинчи даврадан кейин 2 очкога эга бўлган В. Яковлев олдинда бормоқда.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳаво ўзгариб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 14—19 даража иссиқ бўлади.

БИЛДИРИШ

Шу йил 24 февральда кеч соат 8 да Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи хузуридаги ёш ёзучилар семинари қатнашчиларининг ёзучи Абдулла Қаҳҳор блан суҳбатлашуви бўлади.

Қизиққан ўртоқларнинг келиши мумкин.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/II да **Қутлуғ қон**, 24/II да **Отелло**.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» кинотеатларида — янги немис бадиий фильми **Хатарли юк.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун
«АЗАМАТ ШЕРЛАР» АТТРАКЦИОНИНИНГ ДАВОМИ
Ўргатучилар — артист **Тамара Буслаева** ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Александр Буслаев.**
3 бўлимда
катта цирк тамошалари.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 02248. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А. — 1377.